

СОЛИҚ ва БОЖЖОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 25 (1349) • 2020 йил 23 июнь

ISSN 2010-524X

УШБУ СОЎДА

Фойда солиғи:
бухгалтерлар
саволларига эксперт
жавоблари

4-бет

Июнь: жисмоний
шахсларнинг
даромадидан
олинадиган солиқлар

5-6-бетлар

Хайрия ёрдамнинг
солиқ оқибатини

13-бет

Газеталаримиз 25 йилдан бери узлуксиз чикапти. Бунга карантин даври ҳам тўсиқ бўла олмади! Мамнуният билан **ОБУНА-2021 КАМПАНИЯСИ** бошланганини маълум қиламиз. Сиз учун бонуслар бор!

11-12-бетлар



Комитентнинг махсулотини воситачи экспорт қилганда...

14-бет

✓ ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

ЁҒ-МОЙ МАҲСУЛОТЛАРИДАГИ МУАММОЛАР

- Сифатсиз, пальма ёғи импорти ошган
- Ёғ таркибини таҳлил қиладиган лабораториялар йўқ
- Ўзбекистондаги ёғ-мой махсулотлари «импортний»дан анча сифатли

«Ўзёғмойсаноат» уюшмаси ахборот хизмати раҳбари Фахриддин КОЛОНОВ билан кузатилаётган муаммолар юзасидан суҳбатлашдик.

– Пандемия шароитида аҳолини ёғ-мой билан узлуксиз таъминлашга ҳаракат қилдик, – дейди Фахриддин КОЛОНОВ, – Нархнинг кескин ошиб кетмаслиги ва тақчиллик юз бермаслиги учун барча чоралар кўрилди. Айни вақтда корхоналаримизда 18 минг тоннадан ортиқроқ ёғ-мой захираси мавжуд.

Тежамкор, замонавий ускуналар туфайли беш ойда 8 миллиард сўмлик махсулотларнинг таннархи арзонлашди. Бу ўн физга махсулот арзон бўлди дегани.

– Экспорт кўрсаткичлари яхшиландими?

– Бундан 2-3 йил олдин тизимда бир миллион долларга яқин махсулот экспорт қилинган. Кейинги вақтларда турли мамлакатларда маркетинг тадқиқотлари ўтказдик. Хусусан, Афғонистонда ҳам нимага талаб борлиги ўрганилди. Натижада қисқа фурсатда экспорт кўпайди. Бу йилда 15 миллион доллар махсулот экспорти режалаштирилган. Биринчи чорак якунларида бу кўрсаткич 16 миллион бўлиши кутилмоқда.

Хозирга қадар махсулотларимизни қўшни давлатларга экспорт қилган бўлсак, энди ривожланган мамлакатлар билан музокара-лар олиб борилмоқда. Мисол учун, кунга-боқар, соя ёғлари – Корея, Японияга, полиз

экинларидан олинган ёғлар эса Европа бозорларига юборилмоқда.

– Юртимизда ишлаб чиқарилган «Маргарин»лар халқаро талабларга жавоб бермаслиги ҳақида эшитганмиз. Уни жаҳон стандартларига мослаштириш борасида нима ишлар қилинмоқда?

– Тўғри «Маргарин» сифати экспорт талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Уларни сифатини ошириш борасида изланишлар олиб борилмоқда, лойиҳалар амалга оширилмоқда. Яқин йилларда маргаринларимиз хоризда харидоригр бўлиши таъминланади.

– Экспорт қилаётганимиз яхши, лекин бозорларимизда Россиядан, Украинадан келган махсулотлар харидоригр. Танлаш имкони бўлганда одамлар кўпроқ уларни танлайди. Экспорт қилиб яна импортга олиб келишдан мақсад нима?

– Ҳар бир соҳа ўзининг ривожланиш стратегиясига эга. Аслида махсулотларимиз хориздан келаётган ёғлардан кўра анча сифатли.

Россияда сўнгги йилларда пальма ёғи импорти уч баробар ошди. Ишлаб чиқарилаётган кунгабоқар ёғларига кўп миқдорда кўшилмоқда. Биздаги энг йирик муаммо ўсимлик ёғи таркибини тўлиқ таҳлил қиладиган лабораторияларнинг йўқлиги. Хозирда бу борада изланишлар олиб борилмоқда. Агар уни ташкил қилсак, хориздан кириб келаётган барча махсулотлар таркиби тў-



лик ўрганилади.

– Аслида, одамлар уларни сифатли деган фикрда ўзимизнинг махсулотга нисбатан қимматроқ нархларда харид қилмоқда.

– Тўғри бу билан бизда ишлаб чиқарилаётган ёғ-мой махсулотларининг ҳаммаси ҳам сифатли демоқчи эмасман. Бунда бир нарсага эътибор қаратиш керак. Олдин пахта чигити 23 ёғ-мой корхонасида қайта ишланган бўлса, энди 250 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъект бу юмуш билан шуғулланмоқда. Шу боис сифатсиз махсулотларнинг ҳам сотувда пайдо бўлиши ҳолатлари кузатилмоқда.

Шунинг учун чигитни талаб даражасига жавоб берадиган корхоналар қайта ишлашсин, деган ғоя илгари сурилмоқда.

Айни вақтда юртимизда ўсимлик ёғига бўлган йиллик талаб 400 минг тоннани ташкил этади. Унинг 280 минг тоннаси ишлаб чиқарилса, қолгани импорт ҳисобидан қопланмоқда.

– Қизик, талаб юқори бўлса, нега экспорт қилинмайди? Олдин ички эҳтиёжлар тўлдирилмайдими?

– Экспорт юртимиздаги ёғ-мой махсулотларининг наномиёши ҳам ҳисобланади.

2-бетда

МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ ВАКОЛАТЛАРИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президентнинг 18.06.2020 йилдаги ПФ-6010-сон Фармони билан табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди (хўжжаматини «СБХ» мазкур сонининг хўжжаматлар пакетидан берилмоқда).

2020 йил 1 июлдан бошлаб табиий газ ички бозорда куйидаги тарзда сотилади:

«Ўзтрансгаз» АЖ уни «Худудгазтаъминот» АЖга ва магистрал газ узатиш тизимига уланган истеъмолчиларга тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотади;

«Худудгазтаъминот» АЖ ушбу табиий газ магистрал газ узатиш тизими орқали етказиб берилган тақдирда - «Ўзтрансгаз» АЖдан, шунингдек, тўғридан-тўғри газ тақсимлаш тармоқларига етказиб берилган тақдирда - табиий газ ишлаб чиқарувчилардан олдинотда шартномаларига асосан Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Идораларо тариф комиссияси томонидан тасдиқланган тарифлар бўйича сотиб олади. Ушбу газ кейинчалик газ тақсимлаш тармоқларига улан-

ган республика ички истеъмолчиларига, шу жумладан аҳолига сотилади.

Шунингдек, 1 июлдан бошлаб табиий газнинг янги истеъмолчилари фақат газ тақсимлаш тармоқларига уланади. «Ўзтрансгаз» АЖнинг магистрал газ узатиш тизимига уланган истеъмолчилар «Худудгазтаъминот» АЖнинг газ тақсимлаш тармоқларига 2021 йил 31 декабрга қадар босқичма-босқич ўтказилади ва шартномалар қайта тузилади. Бу янгиликлар йирик стратегик корхоналарга дахл қилмайди.



Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш (шу жумладан охириги истеъмолчигача сотиш) бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс - лицензиялар томонидан куйидаги ҳаракатларни амалга ошириш лицензия битими талаблари ва шартларини бир мартаба кўпол равишда бузиш ҳисобланади ва лицензияловчи органнинг қарорига мувофиқ лицензия амал қилишининг тугатилишига олиб келади:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

➤ умумий фойдаланишдаги газ тармоқларига ўзбошимчилик билан улашни ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш;

➤ табиий газни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш;

➤ ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга рухсатсиз аралаштириш.

Бундан ташқари, 2020 йил 1 августдан бошлаб Мажбурий ижро бюросининг куйидаги вазифалари ва ваколатлари куйидагиларга ўтказилади:

а) Энергетика вазирлигига:

➤ электр энергияси ва табиий газ истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимлари, шунингдек, муқобил энергия манбаларининг жорий этилишини ташкил этиш ва ушбу жараёнлар устидан мониторинг ўтказиш;

➤ энергия ресурслари учун ҳисоб-китоб қилинишни таъминлаш тизимини комплекс таҳлил қилиш, тизимли муаммоларни аниқлаш, такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

2-бетда

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

ЁҒ-МОЙ
МАҲСУЛОТЛАРИДАГИ
МУАММОЛАР

1-бегда Экспортдан валюта тушади. Бу маблагга корхона хом ашё олиб келади. Биз ҳам фақат ички бозор билан чекланиб қолмоқчи эмасмиз. Мисол учун, Россияни оладиган бўлсак, уларда ҳам импорт ёғлар кўп, бу бозор талаби.

– Аини вақтда тизимда лаборатория ташкил этиш, маргарин сифатини ошириш каби муаммолар ўрганилаётган экан. Яна қайси муаммоларни ҳал этиш борасида таклифлар ишлаб чиқилмоқда?

– Ҳозир энг катта муаммо хом ашё етишмаслиги. Юртимизда 2 миллион тонна пахта чигити, 200-300 минг тонна бошқа хом ашёлар бор. Биздаги қувват эса 5 миллион тонна. Қарийб 2,5 баробар ортди. Бошқа давлатларда бунинг акси. Мисол учун Қозоғистонда ишлаб чиқариш қуввати 1,5 миллион тонна бўлиб, хом ашё ҳажми 6 миллион тоннадан иборат.

Яширишга ҳожат йўқ, деҳқонлар мойли экинлардан кўра сабзавот етиштирганда кўпроқ фойда кўради.

– Махсар, соя каби ноанъанавий экинлар лалми ерларда кўпроқ етиштирилганига гувоҳ бўлганмиз. Бу тажрибани вилоятларда кенг омалаштириш мумкинми?

– Ҳа, ҳозир Жиззах вилоятида махсар экилмоқда. Олдин бир гектарда бўлса, энди 30-40 минг гектарда мавжуд. Андижонда, Наманганда кунгабоқар етиштириш анъананага айланди. Яқин йилларда уларни такрорий экин сифатида ҳам экиш омалашади.

Кайд этиш керакки, кунгабоқар ернинг қувватини олгани боис бу майдонлардан кейинги йилда ҳосил олиб бўлмайдди. Соя эса ернинг мелiorатив ҳолатини яхшиласада, ундан такрорий экин сифатида мўл ҳосил етиштириш кийинроқ.


– Бундай сабаблар туфайли мойли экинлар аҳоли орасида у қадар омалашмаяпти. Лекин, уюшма ўз манфаати юзасидан ерлар олиб, экинни ташкил этиши мумкинми?

– Бу борада ҳам изланишлардан бир дақиқа бўлсада, тўхтаганимиз йўқ. Президентимиз Андижонга борганларида водийда захра ерлардан 50 минг гектарни уюшмага бириктириш вазифасини белгилади. Бундан ташқари яна 80 минг гектарда мойли экинларни етиштириб, қайта ишлаяпмиз. Маҳсулот ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда.

Сайёра ШОЕВА.

ЎЗА материали асосида.

МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ ВАКОЛАТЛАРИ
ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



«Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ билан биргаликда - электр энергияси ва табиий газни эҳтиёт қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш юзасидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

б) «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг худудий корхоналарига ва «Худудгазтаъминот» АЖнинг худудий газ таъминоти ташкилотларига:

– электр энергияси ва табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг қарздорлигини қамайтириш, шунингдек, электр энергияси ва табиий газ сотуви ва истеъмолини ҳисобга олиш;

– тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда - электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқо-

нуний уланиш, талон-торож ҳолатларини аниқлаш, баргараф этиш ва олдини олиш.

Энергетика вазирлигига «Ўзт-рансгаз» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ билан биргаликда табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини 2021 йил охирига қадар барча турдаги истеъмолчилар учун тўлиқ жорий этилишини таъминлаш топирилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.06.2020 йилдан қучга кирди.



ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИДА АПЕЛЛЯЦИЯ
КЕНГАШЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Кенгашлар жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш билан шуғулланади. Бу Президентнинг 17.06.2020 йилдаги ПҚ-4754-сон қарорида белгиланган (ҳужжат матни «СБХ» мазкур сонинг ҳужжатлар пакетига берилмоқда).

2020 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тарикасида қуйидагилар ҳузурда Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашлари (кейинги ўринларда – *Апелляция кенгаши*) ташкил этилади:

– Давлат божхона кўмитаси;

– Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси;

– Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси;

– Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари.

Куйидагилар Апелляция кенгашининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

– жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органи ўртасида юзага келадиган низоларни судгача кўриб чиқиш ва ҳулоса қабул қилиш орқали уларни ҳал этиш чораларини кўриш;

– мурожаатни кўриб чиқишда қонун ҳужжатида турлича талқин этилиши мумкин бўлган нормалар аниқланган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда, уларни белгиланган тартибда расмий шарҳлашни ташкиллаштириш бўйича чораларни кўриш;

– мурожаатни кўриб чиқишда аниқланган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни баргараф этиш бўйича таклифлар киритиш.

Апелляция кенгашининг таркиби тегишли давлат органи раҳбарининг қарори билан 2,5 йил муддатга тасдиқланади ва 7 нафардан 11 нафаргача аъзолардан иборат таркибда тузилиши мумкин. Апелляция кенгаши аъзоларига қуйидагилар қабул қилинади:

– амалий тажрибага ва обрў-эътиборга эга давлат органининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимлари;

– соҳада катта амалий тажриба ёки илмий салоҳиятга эга бўлган обрўли фуқаролар, бунда уларнинг сони Апелляция кенгаши аъзолари жами сонининг бешдан бир қисмидан ошиб кетмаслиги лозим.

Апелляция кенгаши унда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тавсиявий тўсга эга бўлган ҳулоса қабул қилади ва уни 3 кун муддатда давлат органи раҳбарига кўриб чиқиш учун, бошқа манфаатдор тарафларга маълумот учун юборди. Ҳулосани қабул қилиб олган давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари уни инобатга олиши ёки рад этиши мумкин ва қабул қилинган қарор тўғрисида 3 кун муддатда Апелляция кенгаши ва тарафларни ёзма ёки электрон тарзда хабардор қилади.

Шунингдек, ҳужжат билан ННТ сифатида қуйидагиларни ташкил этиш ва фаолиятини юритишга рухсат берилди:

– низоларни муқобил усулда ҳал этиш билан шуғулланувчи профессионал ме-

диаторларнинг ўзаро бирлашувига асосланган - Медиация маркази;

– профессионал медиаторлар, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ўзаро бирлашувига асосланган - Низоларни муқобил усулда ҳал этиш маркази.

Куйидагилар марказларнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

– медиация, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж фаолиятига низоларни муқобил усулда ҳал этиш тартиб-таъминини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш;

– медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж ишларини кўриш билан боғлиқ фаолиятга аралашмаслик принципи асосида иш юритиш;

– медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитраж соҳаларида мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш;

– медиация ва низоларни муқобил ҳал этишнинг бошқа усуллари ривожланиши ва кенг омалашувига кўмаклашиш, бу соҳада семинарлар, тренинглар ва конференциялар ташкил этиш.

Тошкент давлат юридик университети ва Юристар малакасини ошириш маркази томонидан Тошкент медиация маркази таъсис этилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.06.2020 йилдан қучга кирди.

Эълмира СИРАЗИЕВА.

УШБУ СОНДА:

- **ДОЛЗАРЪ МАВЗУ**
– Ёғ-мой маҳсулотларидаги муаммолар **1-2-бетлар**
- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Мажбурий ижро бюроси ваколатлари қайта кўриб чиқилди
– Давлат органларида апелляция кенгашлари ташкил этилади
– Дори воситаларига чекланган нархлар белгиланди
– Бўстонликда солиқ тажрибаси
– Касалик варақалари бериш тартибига ўзгартиришлар киритилди **1-3-бетлар**
- **ҲИСОБНИ ТЎҒРИ ЮРИТАМИЗ**
– Хар бир бухгалтер бишлиш лозим **4-бет**
- **БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ**
– 2020 йилнинг июнь ойи учун жисмоний шах-

- лар даромадидан олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий бадаллар ҳисоб-китоби услубияти **5-6-бетлар**
- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
– «Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмининг такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:
– «Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»;
– «Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»;
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори
– «Хусусийлаштириш жараёнининг такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

- Идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:**
– ЎЗР ДСҚнинг «Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида тажриба тарикасида жисмоний шахсларнинг солиқ солиш объектлари ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш, ягона электрон шартномани юритиш ва унга кўчмас мулк объектлари ижарага берилганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш тартиби ҳақида вақтинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида» қарори;
– ЎЗР солиқни сақлаш вазирининг «Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи **7-10-бетлар**
- **АМАЛИЙ ТАКЛИФ**
– Оммавий оферта **11-12-бетлар**
- **СОЛИҚ СОЛИШ**
– Ерга бўлган ҳуқуқни оқидиғи – солиқни тўлаш
– «Даромадли» хатоликлар
– АВни сотишдан даромад бўйича айланмадан олинадиган солиқ

- Хайрия ёрдами – ихтиёрий иш
- Фойсиз валюта қарзидан даромад ҳисобланмайди
- Харид қилинган материал бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш **12-13-бетлар**
- **АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ**
– Импорт материаллар ҳисоби
– Фойдаланиш ҳуқуқи – мулк эмас
– Экспорт товар ҳақини учинчи тараф тўлаганда...
- Воситачилик шартномаси бўйича экспорт қилувчи **14-бет**
- **БОЖХОНА**
– Олиб қирилмаган товарларни етказиб бериш
– Вақтинча олиб киришни расмийлаштириш
– Помидор маҳсулотлари – экспортта
– Инсон шағни – устувор
– Велосипед: кило билан ўлчанадими ёки дона биланми?
– «Ёз ифори» бемаврид тарқалди **15-16-бетлар**

Таҳрират аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ДОРИ ВОСИТАЛАРИГА ЧЕКЛАНГАН НАРХЛАР БЕЛГИЛАНАДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Референт нарх шакллантириш тизими доирасида дори воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди (АВ рўйхат рақами 3242, 10.06.2020 йил).

Низом Президентнинг 30.12.2019 йилдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги дори воситасининг савдо номи учун референт нарх шакллантириш тизимини мониторинг ва таҳлил қилиш учун масъул бўлган ваколатли орган ҳисобланади. У истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органлари ва ташкилотларини ҳамда жамоатчиликни жалб этиши мумкин.

Агентлик ўз веб-сайтида фармацевтика фаолиятини амалга оширадиган ташкилотлар, шунингдек рўйхатдан ўтказилган ва сертификатланган фармацевтика

маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган автоматлаштирилган ахборот тизимини мунтазам юритиб ва янгилаб боради. Тизимга дори воситасининг савдо номига рўйхатдан ўтказилган чекланган нархлар ҳамда белгиланган савдо устамаларини ҳисобга олган ҳолда улгуржи ва чакана чекланган нархлар киритилади.

Бир дори воситасининг нархини белгилаш учун унинг 10 та референт мамлакатдаги сотиш нархи аҳоли жон бошига нисбатан даромадлар даражасидан юқори, ўртача юқори ва ўртачадан пастлиги ҳисобга олинади. Рўйхатга қуйидаги мамлакатлар киритилган:

1. Венгрия.
2. Россия Федерацияси.
3. Украина.
4. Польша Республикаси.
5. Тожикистон Республикаси.

6. Словения Республикаси.
7. Қозғистон Республикаси.
8. Болгария Республикаси.
9. Беларусь Республикаси.
10. Қирғизистон Республикаси.

Ариза берувчи – дори воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси эгаси ёки унинг ишончли вакили онлайн-тизим орқали рўйхатдан ўтказувчи органга айна бир ишлаб чиқарувчининг худди шундай фаол моддага эга бўлган дори воситаларининг сотиш нархларини (дори шакли, қадокдаги сони, дозаси, концентрацияси ва ҳажминини ҳисобга олган ҳолда) қуйидагилар бўйича тақдим этади:

ишлаб чиқарувчи мамлакат;
референт мамлакатлар;
Ўзбекистонда.

Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази (ишчи орган) дори воситаларининг ҳар бир савдо номи учун чекланган нархларни ҳисоблайди. Ўзбекистонга импорт қилинадиган ҳамда

маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олиннадиган дори воситаларининг нархлари чекланган нархлардан юқори бўлмашлиги лозим.

Ариза берувчи томонидан маълумотлар тақдим этилганидан, тизимда ўртача нархлар автоматик тарзда ҳисоблаб чиқилганидан сўнг ваколатли орган ишчи органнинг тавсиясига биноан уч иш куни ичида чекланган нархларни реестрга киритади. Воситачилар сонидан катти назар, дори воситаларининг энг юқори чакана нархи улгуржи дистрибуторлар учун референт нархнинг 15%идан, чакана савдо ташкилотлари (дорихоналар) учун 20%идан ошмаслиги лозим.

Чекланган нархлар ариза берилган кунда Марказий банк томонидан белгиланган айирбошлаш курси бўйича сўмда ҳисобланади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 10.09.2020 йилдан кучга киради.

БЎСТОНЛИҚДА СОЛИК ТАЖРИБАСИ

Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 12.06.2020 йилда 3243-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида тажриба тариқасида жисмоний шахсларнинг солиқ солиш объектлари ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш, ягона электрон платформани юритиш ва унга қўчмас мулк объектлари ижарага берилганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш тартиби ҳақида вақтинчалик низом тасдиқланди (ҳужжат матни «СБХ» мазкур сонининг ҳужжатлар пакетидан берилмоқда).

Вақтинчалик низом қуйидагиларни назарда тутди: мол-мулкни ижарага бериши солиқ органлари томонидан жисмоний шахсларга бериладиган махсус гувоҳномалар асосида амалга ошириш;

мол-мулкни ижарага бериш билан боғлиқ операциялар ҳисобини барпо этиладиган Ягона электрон платформаси орқали амалга ошириш;

мол-мулкни ижарага бериш билан боғлиқ операцияларни махсус чеклар тизими орқали амалга ошириш.

2021 йил 1 майга қадар тажриба ўтказиладиган даврда жисмоний шахслар томонидан қўчмас мулк объектлари ва бошқа мол-мулк солиқ органларида ҳисобга қўйилганида тақдим этиладиган гувоҳномага асосан ижарага берилади. Гувоҳнома эгаларига Қўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом (АВ рўйхат рақами 3077, 11.10.2018 й.) татбиқ этилмайди.



Вақтинчалик низомга мувофиқ:

1) қўчмас мулк объектларига дам олиш уйлари, дала ҳовли, яқка тартибда қурилган уй-жойлар, яшаш учун мўлжалланган бошқа турар жойлар;

2) бошқа мол-мулкка сув транспорти (моторли ва моторсиз, шу жумладан шиширилмаган), сув мотоциклари (скутерлар ва бошқалар), қорда юрадиган техника воситалари, квадрацикллар, парапланлар ва дельтапланлар, супа, сўри, топчанлар ва шунга ўхшаш дам олиш учун мўлжалланган жойлар қуйидагилар киритади:

Ижарага бериш тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилганда солиқ тўловчи ҳақидаги маълумотлар мобил илова ёки веб-сайт орқали Ягона электрон платформага киритилади. Ягона электрон платформада солиқ органлари томонидан жисмоний шахсларнинг ижарага берилган қўчмас мулк объектлари ва бошқа мол-мулкларнинг ҳисоби, шунингдек ижарага берувчилар тўғрисидаги ахборот юритилади.

Вақтинчалик низом талаблари қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

мехмонхона хизмати билан шуғулланадиган юридик шахсларга;

оилавий меҳмон уйи хизматлари кўрсатадиган юридик ва жисмоний шахсларга;

Вақтинчалик низомда кўрсатилмаган мол-мулкларни ижарага бериш билан шуғулланадиган жисмоний шахсларга.

Гувоҳнома олиш учун жисмоний шахс (ёки унинг ишончли вакили) Ягона электрон платформа орқали белгиланган шаклдаги аризани, шунингдек шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхасини солиқ органига юбориши лозим.

Солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида Бўстонлик тумани Ғазалкент шаҳри, Дўстлик, Сижжак ва Новобод маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ташкил этиладиган солиқ таянч пунктларига бевосита мурожаат қилиш имконияти назарда тутилган. Бунда ҳужжатлар қоғоз шаклида тақдим этилиши мумкин.

Бир ёки undan ортик қўчмас мулк объектлари ижарага берилганда тасдиқланган шакл бўйича солиқ солиш объектини ҳисобга қўйиш тўғрисида битта гувоҳнома бепул берилади. Гувоҳноманинг орқа томонида ҳар бир солиқ солиш объектнинг QR-коди кўрсатилади. Гувоҳноманинг ҳақиқийлигини QR-коднинг ўқийдиган махсус мобил илова ёрдамида текшириш мумкин.

Жисмоний шахслар қўчмас мулк ва бошқа мол-мулкни бериладиган махсус чеклар орқали ижарага беради. Ҳар кун жисмоний шахс кун якунига қадар ижарага олувчилар сони ва чеклар бўйича олинган тўловлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни Ягона электрон платформага киритади. Гувоҳноманинг амал қилиш муддати тажриба даври тугатилганидан кейин тугатилади, бироқ қондалар бузилган тақдирда у олиб қўйиши мумкин.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 12.06.2020 йилдан кучга кирди.

Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 15.06.2020 йилда 2667-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Мехнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага тузатишлар киритилди (ҳужжат матни «СБХ» мазкур сонининг ҳужжатлар пакетидан берилмоқда).

Ўзгартиришлар Президентнинг 19.03.2020 йилдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5969-сон Фармонида мувофиқ киритилди.

Ўзгартиришларга асосан Мехнатга лаёқатсизлик варақаси ёки меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси ўтказиб юборилган кунларга қуйидаги ҳолларда ҳам берилади:

мактабгача таълим ташкилотларида ёки 6 ёшга тўлмаган болага ўрнатилган ка-

рантин ҳолатида. Мехнатга лаёқатсизлик варақаси болага қараш учун ота-онасидан бирига ёки олинган бошқа аъзосига Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг худудий ва туман (шаҳар) органлари томонидан берилади. Тузатишлар билан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси муддати 14 кун билан чекланиши бекор қилинди;

бажараётган ишининг хусусиятига кўра юқумли, паразитар касалликларни тарқатиш хавфини туғдирадиган шахслар ишдан четлаштирилганда ёки атрофдагилар учун хавфли бўлган юқумли ва паразитар касалликлар билан оғриган беморларга, паразитар касалликлар билан зарарланган деб гумон қилиниши муносабати

билан тиббиёт муассасасида карантинга олинган шахсларга. Мехнатга лаёқатсизлик варақаси карантинда бўлган тўлиқ кунларига берилади (илгари – давлат санитария назоратининг мансабдор шахси томонидан белгиланган муддатга берилад эди). Кўрсатилган шахсларга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси электрон шаклда берилиши мумкин;

юқумли, паразитар касалликлар билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан вақтинчалик карантинда сақлашга мослаштирилган мажмуада карантинга олинган шахсларга. Мехнатга лаёқатсизлик варақаси карантинда бўлган тўлиқ кунларига, шу жумладан электрон шаклда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпи-

демиологик осойишталик агентлигининг худудий ва туман (шаҳар) органлари эпидемиологик ёки санитар врач томонидан берилади;

уй шаронтида карантинга олинган шахсларга ҳамда карантинга олинган шахсларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвартиш қилаётган шахсларга. Мехнатга лаёқатсизлик варақаси карантинда бўлган тўлиқ кунларига уларнинг яшаш жойидаги поликлиника томонидан берилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.06.2020 йилдан кучга кирди.

Лола АБДУАЗИМОВА.

КАСАЛЛИК ВАРАҚАЛАРИ БЕРИШ ТАРТИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ

ҲАР БИР БУХГАЛТЕР БИЛИШИ ЛОЗИМ

Май ойида «Norma» ўқув маркази 2020 йил учун обунани имтиёзли шартларда расмийлаштирган обуначилар учун фойда солиғи бўйича курс ўтказди. Курсни ўтказиш жараёнида тингловчиларда юзага келган саволларга «Norma» МЧЖ эксперти Наталья МЕМЕТОВА жавоб берди. Ушбу материалдан ўқувчиларимиз ҳам ўз саволларига жавоб топишлари ҳамда ундаги маълумотлардан фаолият юритишда фойдаланишлари мумкин. Zero, 1 ярим йиллик учун Фойда солиғи ҳисоб-китобини топириши мuddати ҳам ақинлашиб қолди.

Наталья Красильникова:

? Корхонада олдинги йиллар учун зарар мавжуд бўлса, ҳисоботни қандай тўғри тўлдириши мумкин? Иловада қайси сатрлар тўлдирилади?

- Олдинги йиллардаги зарарларни Фойда солиғи ҳисоб-китобига (3-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 7-илова – “Жорий солиқ давридаги солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган ўтган йиллар зарари суммасининг ҳисоб-китоби»да акс эттириш. У йил якунлари бўйича тўлдирилади.

2020 йил 1 январга қадар ҳосил бўлган зарарни келгусига, ушбу зарар кўрилган солиқ давридан кейинги 5 йилдан кўп бўлмаган мuddатда кўчириши мумкин. Ўтказилаётган зарарнинг жами суммаси жорий солиқ давридаги солиқ базасининг 50%дан ошishi мумкин эмас (30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон Қонуннинг 6-моддаси).

Яъни 2020 йил учун Ҳисоб-китобни тўлдириш чоғида 2015-2019 йиллар учун зарарларни 7-иловада акс эттиришнинг ва 2020 йил фойдасини 50%дан кўп бўлмаган миқдорда камайтиришингиз мумкин.

Татьяна Мавлянова:

? ННТ фақат ихтиёрий хайриялардан даромада эга. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тўлдириши зарурми?

- Ҳа, молиявий ҳисобот топирилади, сабаби тегишли шакллар мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ҳўжалик юригучи субъектлар учун жорий этилган (АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

? ННТ валюта ҳисобварағимизга чет эл фуқароларидан долларда ва еврода хайриялар келиб тушиди. Ушбу маблағлар келиб тушган пайтда битта курс бўлган, уларни конвертация қилиш ва сўм ҳисобварағига эквивалентига қарор қилинганда, курс ўзгарган. Курсдаги фарқ қандай тартибда ва қайси сўмларда акс эттирилади? Эки ННТда курс фарқи қўлланилмайди?

- Чет эл валютасидаги хайриялар қуйидаги провoдлар орқали акс эттирилади: 5210-«Мамлакат ичидаги валюта сўмлари» сўми дебети – 8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» сўми кредити.

Курсдаги ижобий фарқ қуйидагича акс эттирилади: Дг 5210-«Мамлакат ичидаги валюта сўмлари» сўми дебети – Кг 8890-«Бошқа мақсадли тушумлар» сўми кредити.

Пул маблағларининг конвертацияга ўт-

2015-2019 йиллар зарарларини 7-илованинг (3-устунида) 0101-0105-сатрларида кетма-кет кўрсатиш.

Солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган зарар суммаси 7-илованинг 050-сатрида автоматик тарзда аниқланади ва Ҳисоб-китобга 3-«Имтиёзлар» иловасининг 060-сатрида акс эттирилади. 3-иловадаги (030-сатр) имтиёзларнинг умумий суммаси Ҳисоб-китобнинг 040-сатрида автоматик тарзда акс эттирилади.

2020 йил фойдаси ҳисобидан қопланган кейин қолган олдинги йиллар зарарларини 7-илованинг (3-устуни) 0601-0605-сатрларида кетма-кет акс эттириш.

СКнинг 366-моддасида санаб ўтилган айрим операциялар бўйича зарарлар мавжуд бўлса (масалан, хизмат кўрсатувчи ҳўжаликлардан кўрилган зарарлар), йил якунлари бўйича Фойда солиғи ҳисоб-китобига 8-«Айрим турдаги операциялар бўйича зарарларни кўчиришнинг ўзига хос хусусиятлари» иловасини тўлдириш.

Бу 1-сон БҲМС «Ҳисоб сўйсати ва молиявий ҳисобот» (АВ томонидан 14.08.1998 йилда 474-сон билан рўйхатдан ўтказилган) нормалари билан ҳам тасдиқланади.

казилиши: 5530-«Бошқа махсус сўмлар» сўми дебети – 5210-«Мамлакат ичидаги валюта сўмлари» сўми кредити.

Пул маблағларининг сўм ҳисобварағига келиб тушиши: 5110-«Ҳисоб-китоб сўми» дебети – Кг 5530-«Бошқа махсус сўмлар» сўми кредити.

Нотижорат ташкилотларда курснинг ижобий фарқига солиқ солинмайди (СК 318-м. 1-қ. 2-б.).



Татьяна:

? Корхона ўз фаолиятида фойдаланиши учун раҳбардан уяли аппаратни вақтинча текин фойдаланишига олмақда. Шартномада уяли аппаратнинг қиймати ҳамда ишлатиш мuddати – 5 йил кўрсатишган. СКга асосан хизматлар қиймати бозор нархларидан келиб чиқиб баҳоланиши лозим. Оммавий ахборот воситаларида ва бошқа маълумотлар бундай уяли аппаратнинг ижара қиймати бўйича маълумотлар мавжуд эмас, бошқа моделлар бўйича ҳам шундай. Мол-мулкдан, айнан уяли аппаратдан вақтинча текин фойдаланишида фойда солиғи қандай тўғри ҳисобланади?

Солиқ солиш мақсадлари учун мазкур уяли аппарат учун СК нормалари бўйича амортизация асрашларидан келиб чиққан ҳолда даромадни аниқласа бўладими? Уяли аппаратдан вақтинча текин фойдаланиши шартномасини тузиш чоғида ОАВдан уяли аппарат қиймати тўғрисидаги маълумотларни илова қилиш зарурми эки шартноманинг ўзида келишилган қийматни кўрсатиши етарлими?

- Ходимнинг уяли телефонидан текин фойдаланиши текин фойдаланиш (суда) шартномаси билан расмийлаштирилади (ФК 617-м.).

Ходимдан уяли телефонни текин фойдаланиш учун олган ҳолда, корхона шартномада белгиланган мuddатга текин мулккий ҳуқуқни олади.

Бозор қиймати топириши ҳўжалиқлари билан тасдиқланиши мумкин, шу боис мулккий ҳуқуқ қийматини шартномада ва телефонни қабул қилиш-топириш далоятномасида кўрсатган маълумот (СК 299-м. 3-қ.). Мазкур ҳолатда бошқа нархга доир маълумотларни илова қилиш шарт бўлмайди.

Мулккий ҳуқуқ қийматини аниқлаш учун асос учун телефоннинг бозор қийматини ва фойдали ишлатиш мuddатини олиш ва бир ой учун фойдаланиш ҳуқуқ қийматини аниқлаш мумкин.

Телефонни олиш чоғида уни баланстан ташқари 011-«Суда шартномаси бўйича олинган мулк» сўмида акс эттириш.

Уяли телефондан текин фойдаланишидан олинган даромад бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди. У солиқ солиш мақсадларида жами даромадга киритилад (СК 299-м.).

Альбина Салтикова:

? Ҳисобот даврида ишлаб чиқариш ҳам, илгари ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни реализация қилиш ҳам бўлмаган бўлса, ишлаб чиқариш цехи ижараси ва электр энергияси бўйича харажатларни қарға киритиши лозим?

- Ишлаб чиқариш цехи ишламас, имкон қадар ижара харажатларини минималлаштириш лозим. Электр энергияси бўйича харажатлар ишлаб чиқариш жараёни мавжуд бўлмаганда автоматик тарзда минимал бўлади.

Улар мавжуд бўлса, уларни бошқа операция харажатларига киритинг.

Солиқ базасидан чегириш учун бундай харажатларни иқтисодий жиҳатдан асослаш керак.

? Корхона 115 млн сўмлик товар туркумини реализация қилишига шартнома тузди. Харидор 2017 йил 10 августда товарни етказиб бериш қийматининг 50% миқдоридан бунак ўтказди. Шартнома шартларига кўра товар 2017 йил 5 сентябрда юқлаб эквивалентлиши лозим эди, бироқ ҳам ашё бўлмаганлиги сабабли товар эквивалентлиши бўлмади. Шартнома бўйича кейинги ҳисоб-китоблар амалга оширилмаган.

Корхона томонидан кредиторлик қарзини ҳисобдан чиқариш бўйича даромад қайси даврда эътироф этилиши лозим?

- Даромадлар 2020 йил 5 сентябрдан эътироф этилади. Даъво мuddатининг тугаши шартнома шартла-

ри бузилган пайтдан, яъни 2017 йил 5 сентябрдан бошланади (ФК 150, 154-м.).

РЕКЛАМА



«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1, 6-қават. Тел. (998 71) 283-23-60, 283-23-74. E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

III. ОДАТДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТЛАР

1-ВАЗИЯТ

Ўриндош ходим даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмида назарда тутилган имтиёзга эга ўриндош ходимга январь ойида 800 000 сўм, февраль-июнь ойларида эса 850 000 сўмдан иш ҳақи тўланган.

□ Солиқ имтиёзини қўллаш солиқ тўловчининг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи мавжуд бўлмаган тақдирда эса - яшаш жойидаги солиқ органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади (Солиқ кодексининг 380-моддаси 5-қисми).

Январь-июнь ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

$5\,050\,000 \times 12\% = 606\,000$ сўмга тенг.

Январь-май ойларида 504 000 сўм солиқ ушлаб қўлинган. Июнь ойи учун солиқ суммаси 102 000 сўмга (606 000 - 504 000) тенг.

Январь-июнь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 5 050 сўмни (5 050 000 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-май ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 4 200 сўмни, июнь ойида эса 850 сўмни (5 050 - 4 200) ташкил этган.

Июнь ойи учун бюджетга 101 150 сўм (102 000 - 850) солиқ ўтказилади.

Солиқ ушланганидан кейин ходим 748 000 сўм (850 000 - 102 000) иш ҳақи олади.

2-ВАЗИЯТ.

Юридик шахсга турар жойни ижарага берувчи ходимнинг даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромади январь ойи учун 1 100 000 сўмни, февраль-июнь ойлари учун эса 1 200 000 сўмни ташкил этган. Ходим Тошкент шаҳрида жойлашган, майдони 50 кв.м бўлган турар жой биносини 1 январдан бошлаб ижарага бериш тўғрисида иш берувчи билан шартнома тузди ва ҳар ойда 1 500 000 сўм ижара ҳақи олди.

□ Жисмоний шахсларнинг турар жойни ижарага топширишдан оладиган даромадларига солиқ солиш ижара (ёллаш) шартномасида назарда тутилган тўловдан келиб чиқиб амалга оширилади, бироқ у турар жойни ижарага берадиган жисмоний шахслар учун белгиланган энг кам ижара ҳақи ставкаларидан ҳисоблаб чиқарилган миқдордан кам бўлмаслиги керак (9.12.2019 йилдаги УРҚ-589-сон Қонунга 12-илова).

□ Тошкент шаҳрида бир ойлик ижара тўловининг энг кам миқдори этиб 1 кв.м турар жой учун 12 000 сўм; Нукус ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда - 7 500 сўм; бошқа аҳоли пунктларида - 3 500 сўм белгиланган.

□ ШЖБПҲга бадаллар иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича бажарилган ишлар учун олинган даромадлардан ҳисоблаб ёзилади. Ижара ҳақи тарзидаги даромадлар мулкий даромад бўлганлиги ва ишлар бажариш билан боғлиқ бўлмаганлиги боис, ундан ШЖБПҲга ажратмалар қилинмайди.

Ижара ҳақидан ЖШДС суммасини ҳисоблаймиз. Мазкур ҳолатда энг кам ижара ҳақи суммаси 600 000 сўмни (12 000 x 50) ташкил этади, у ҳақиқатдаги ижара ҳақидан камлиги боис шартномада назарда тутилган суммадан солиқ ҳисобланади:

$1\,500\,000 \times 12\% = 180\,000$ сўм.

Январь-июнь ойлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромаддан солиқни ҳисоблаймиз:

$7\,100\,000 \times 12\% = 852\,000$ сўм.

Январь-май ойларида 708 000 сўм солиқ ушлаб қўлинган. Июнь ойи учун солиқ суммаси 144 000 сўмга (852 000 - 708 000) тенг.


ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 7 100 сўмни (7 100 000 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-май ойларида ШЖБПҲга ўтказиладиган ажратмалар 5 900 сўмни, июнь ойи учун 1 200 сўмни (7 100 - 5 900) ташкил этади.

Июнь ойи учун бюджетга 142 800 сўм солиқ (144 000 - 1 200) ўтказилади.

Солиқ ушлаб қўлинганидан кейин ходимга 2 376 000 сўм иш ҳақи (1 200 000 + 1 500 000 - 144 000 - 180 000) тўланади.

Ҳисоб-китоб услубиятини экспертизимиз **Муҳиддин ЗАЙНУДДИНОВ** тайёрлади.





2020 ЙИЛНИНГ ИЮНЬ ОЙИ УЧУН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ БАДАЛЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ УСЛУБИЯТИ*

Июнь ойида иш соатлари сони:

5 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 176;
6 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 174;
36 соатлик иш ҳафтасида – 156.

Иш кунлари сони:

5 кунлик иш ҳафтасида – 22;
6 кунлик иш ҳафтасида – 26.

- Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахсларнинг барча даромадларига (дивидендлар ва фойзлар кўринишидаги даромадлардан ташқари) 12%лик ставка бўйича солиқ солинади (Солиқ кодексининг 381-моддаси).
- 2019 йил 1 сентябрдан меҳнатга оид муносабатлар соҳасида қўллаш учун ЭКИҲ ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲЭKM) жорий этилди. Январь ойида МҲЭKM 634 880 сўми (3.12.2019 йилдаги ЎРҚ-586-сон Қонуннинг 41-моддаси; 21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармоннинг 1-банди), 1 февралдан – 679 330 сўми (30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон қарорнинг 7-банди) ташкил этади.
- 2020 йилда фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий ойлик бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромад) солиқ солинадиган суммасининг 0,1%ини ташкил этади (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 5-банди).
- Ҳисоблаб чиқарилган ЖШДС суммаси жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий ойлик бадаллар суммасига камайтирилади (Солиқ кодексининг 385-моддаси 7-қисми).

I. АНЪАНАВИЙ ҲИСОБ-КИТОБ

Ходимга январь ойида 1 100 000 сўм, февраль-июнь ойларида эса – 1 170 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Январь-июнь ойларида жами даромади – 6 950 000 сўм (1 100 000 + 1 170 000 x 5).

Олинган даромадга 12%лик ставка бўйича солинадиган солиқ:

6 950 000 x 12% = 834 000 сўмга тенг.

Январь-май ойларида 693 600 сўм ушлаб қолинган. Июнь ойи учун солиқ суммаси 140 400 сўмга (834 000 – 693 600) тенг.

Январь-июнь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 6 650 сўми (6 950 000 x 0,1%) ташкил қилади.

Январь-май ойлари учун ШЖБПҲга 5 780 сўм ўтказилган, июнь ойи учун ажратмалар 1 170 сўми (6 950 – 5 780) ташкил этади.

Июнь ойи учун бюджетга 139 230 сўм (140 400 – 1 170) ўтказилади.

ЖШДС ва мажбурий бадаллар ушланганидан кейин ходимга 1 029 600 сўм (1 170 000 – 140 400) тўланади.

*Жисмоний шахсларнинг даромадидан олиннадиган солиқ ва бошқа мажбурий бадалларнинг ҳисоб-китоби услубияти январь ойи учун «СБХ»нинг 28.01.2020 йилдаги 4 (1328)-сонда, февраль ойи учун 25.02.2020 йилдаги 8 (1332)-сонда, март ойи учун 24.03.2020 йилдаги 12 (1336)-сонда, апрель ойи учун 21.04.2020 йилдаги 16 (1340)-сонда, май ойи учун 26.05.2020 йилдаги 21 (1345)-сонда чоп этилган.

СОЛИҚ ВА ҲАҚЛАРНИНГ
БОҲИЖОНА

№ 25 (1349) ■ 2020 йил 23 июнь

5

II. ИМТИЁЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

1-ВАЗИЯТ

Даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланадиган имтиёз қўлланилган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг меҳнатига январь ойида 1 800 000 сўм, февраль-июнь ойларида эса – 1 920 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь-июнь ойлари учун жами даромад – 11 400 000 сўм (1 800 000 + 1 920 000 x 5).

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМ-нинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Солиқ солинадиган даромадни ҳисоб-китоб қиламиз:
 $11\,400\,000 - ((634\,880 \times 1,41) + (679\,330 \times 1,41 \times 5)) = 5\,715\,542,7$ сўмга тенг.

Январь-июнь ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

$5\,715\,542,7 \times 12\% = 685\,865,12$ сўм.

Январь-май ойларида 570 407,76 сўм солиқ ушлаб қўлинган. Июнь ойи учун солиқ суммаси 115 457,36 сўмга (685 865,12 – 570 407,76) тенг.

Январь-июнь ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 5 715,54 сўмни (5 715 542,7 x 0,1%) ташкил қилади. Январь-май ойларида ШЖБПҲга 4 753,4 сўм ўтказилган, июнь ойи учун ажратмалар 962,14 сўмни (5 715,54 – 4 753,4) ташкил қилади.

Бюджетга 114 495,22 сўм (115 457,36 – 962,14) ЖШДС ўтказилади.

Ходим қўлига 1 804 542,64 сўм (1 920 000 – 115 457,36) иш ҳақи олади.

2-ВАЗИЯТ

Даромад имтиёз суммасидан кам бўлганда ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг Солиқ кодексининг 380-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг меҳнатига январь ойида 800 000 сўм, февраль-июнь ойларида эса – 850 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь-июнь ойлари учун жами даромад – 5 050 000 сўм.

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган икки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда МҲЭКМ-нинг 1,41 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Январь-июнь ойлари учун солиқ солинмайдиган даромад миқдорини ҳисоблаймиз:

$((634\,880 \times 1,41) + (679\,330 \times 1,41 \times 5)) = 5\,684\,457,3$ сўм.

Ходимнинг даромади (5 050 000 сўм) имтиёз суммасидан (5 684 457,3 сўм) кам бўлганлиги сабабли январь-июнь ойлари учун солиқ ҳисобланмайди.

Солиқ солинадиган даромад мавжуд бўлмаганлиги учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар тўланмайди.

Ходим қўлига 850 000 сўм иш ҳақи олади.

3-ВАЗИЯТ

Моддий ёрдам олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатига январь ойи учун 1 400 000 сўм, февраль-июнь ойларида эса 1 500 000 сўмдан ҳақ тўланган. Январь ойида унга фарзандли бўлганлиги муносабати билан 2 800 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган.

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига кўра бир йил давомида МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача миқдорда бериладиган куйидаги моддий ёрдам суммаларига: вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар; ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб қасаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар; бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан бериладиган тўловлар; қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловларга ЖШДС солинмайди.

Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон) билан 2020 йилда ходимга тўланадиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилади (2-банд).

Имтиёз миқдорини ҳисоблаймиз:

$679\,330 \times 7,5 = 5\,094\,975$ сўм.

Моддий ёрдамнинг бутун суммаси – 2 800 000 сўмга ЖШДС солинмайди.
 Тегинишча, солиқ солинадиган даромад 8 900 000 сўмга (1 400 000 + (1 500 000 x 5)) тенг.
 Январь-июнь ойлари учун солиқ 1 068 000 сўмни (8 900 000 x 12%) ташкил этади.
 Январь-май ойларида 888 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Июнь ойида солиқ суммаси 180 000 сўмни (1 068 000 – 888 000) ташкил этади.
 ШЖБПХга мажбурий бадаллар суммаси 8 900 сўмни (8 900 000 x 0,1%) ташкил этади.
 Январь-май ойларида ШЖБПХга ажратмалар 7 400 сўмни, июнь ойида 1 500 сўмни (8 900 – 7 400) ташкил этади.
 Июнь ойи учун бюджетга 178 500 сўм (180 000 – 1 500) ЖШДС ўтказилади.
 Ходим 1 320 000 сўм (1 500 000 – 180 000) иш ҳақи олади.

4-ВАЗИЯТ

Қимматбаҳо совга олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби

Ходимнинг меҳнатига январь ойида 1 500 000 сўм, февраль-июнь ойларида эса 1 600 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Унга январь ойида 2 000 000 сўмлик машиий техника совга қилинган.

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра бир йил мобайнида юридик шахслардан МҲЭКМнинг 2,11 баравари миқдоригача бўлган суммада олинган совгаларнинг қийматига солиқ солинмайди (634 880 x 2,11 = 1 339 596,8 сўм).

Солиқ солинадиган даромад 10 160 403,2 сўмга (1 500 000 + 2 000 000 – 1 339 596,8 + 1 600 000 x 5) тенг.

Январь-июнь ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

10 160 403,2 x 12% = 1 219 248,38 сўм.

Январь-май ойларида 1 027 248,38 сўм солиқ ушлаб қолинган. Июнь ойида солиқ суммаси 192 000 сўмни (1 219 248,38 – 1 027 248,38) ташкил этади.

Январь-июнь ойлари учун ШЖБПХга мажбурий бадаллар суммаси 10 160,4 сўмга (10 160 403,2 x 0,1%) тенг.

Январь-май ойларида ШЖБПХга ўтказиладиган ажратмалар 8 560,4 сўмни, июнь ойида 1 600 сўмни (10 160,4 – 8 560,4) ташкил этади.

Июнь ойида бюджетга 190 400 сўм (192 000 – 1 600) ЖШДС ўтказилади.

Ходим қўлига 1 408 000 сўм (1 600 000 – 192 000) иш ҳақи олади.



5-ВАЗИЯТ

Бир нечта имтиёзни ҳисобга олган ҳолда (ҳар ойда даромаддан МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг суммани чегириш, моддий ёрдам ва қимматбаҳо совга олинганда) ЖШДС ҳисоб-китоби

Солиқ кодексининг 380-моддасига кўра имтиёзга ҳақли бўлган ходимга январь ойида 1 500 000 сўм, февраль-июнь ойларида эса 1 600 000 сўм иш ҳақи тўланган. Январь ойида унга никоҳдан ўтиши муносабати билан 3 000 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган ва 2 000 000 сўмлик қийматга эга совга топширилган.

Қуйидагиларга мувофиқ:

□ Солиқ кодексининг 380-моддаси 1-қисмига мувофиқ имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимнинг солиқ солинадиган даромадидан ҳар ойда МҲЭКМнинг 1,41 бараварига тенг сумма ((634 880 x 1,41) + (679 330 x 1,41 x 5)) = 5 684 457,3 сўм) чиқариб ташланади;

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 1-бандига мувофиқ МҲЭКМнинг 4,22 бараваригача миқдорда бериладиган моддий ёрдам суммасига ЖШДС солинмайди. 2020 йилда ушбу миқдор МҲЭКМнинг 7,5 бараваригача (679 330 x 7,5 = 5 094 975 сўм) оширилган (ПФ-5986-сон Фармоннинг 2-банди). Шу боис жами ёрдам суммаси – 3 000 000 сўмга имтиёз қўлланилади.

□ Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-бандига кўра юридик шахслардан бир йил мобайнида МҲЭКМнинг 2,11 баравари (634 880 x 2,11 = 1 339 596,8 сўм) миқдоригача олинган совгаларнинг қийматига ЖШДС солинмайди.

Солиқ солинадиган даромаддан аниқлаймиз:

9 500 000 – 5 684 457,3 + 2 000 000 – 1 339 596,8 = 4 475 945,9 сўм.

Январь-июнь ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

4 475 945,9 x 12% = 537 113,51 сўм.

Январь-май ойларида 460 056,14 сўм солиқ ушлаб қолинган. Июнь ойида солиқ суммаси 77 057,37 сўмни (537 113,51 – 460 056,14) ташкил этади.

ШЖБПХга мажбурий бадаллар суммаси 4 475,95 сўмни (4 475 945,9 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-май ойларида ШЖБПХга ўтказиладиган ажратмалар 3 833,8 сўмни, июнь ойида 642,15 сўмни (4 475,95 – 3 833,8) ташкил этади.

Бюджетга 72 581,42 сўм (77 057,37 – 4 475,95) солиқ ўтказилади.

Ходим қўлига 1 522 942,63 сўм (1 600 000 – 77 057,37) олади.

орқали ёки қоғоз шаклида Солиқ таянч пункти орқали ижарага берувчи хисмоний шахсга ёхуд унинг ишончли вакилига тақдим этилади.

Бунда, ҳисобга қўйилганлиги бекор қилинган солиқ солиш объекти QR-коди текширилганда «Бундай объект мавжуд эмас» ёзуви электрон шаклда ҳавола қилинади.

23. Солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бекор қилинганлиги ҳақидаги билдиришноманинг ҳақиқийлиги QR-коди махсус мобил илова орқали текшириб кўриш орқали аниқланади. Билдиришноманинг QR-коди текширилганда ҳисобга қўйилган солиқ солиш

объектлари ҳақидаги маълумотлар электрон шаклда ҳавола қилинади.

5-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

24. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

25. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

МЕХНАТГА ЛАЁҚАТСИЗЛИК ВАРАҚАЛАРИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2667-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодийёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 20 мартдаги 25-сон буйруғи (рўйхат рақами 2667, 2015 йил 17 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 15-сон, 194-модда) билан тасдиқланган Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби

тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Вазир
А.ШАДМАНОВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 11 май
117-сон.

ЎЗР соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 11 майдаги 117-сон буйруғига
ИЛОВА

МЕХНАТГА ЛАЁҚАТСИЗЛИК ВАРАҚАЛАРИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 9-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси ўтказиб юборилган кунларга берилмайди. Мазкур Йўриқноманинг 14-банди, 15-бандининг биринчи хатбошиси, 25-банди, 37-банди ҳамда 46-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.».

2. 37-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«37. Мактабгача таълим ташкилотида ёки олти ёшга тўлмаган болага ўрнатилган карантин даврида болага қараш учун ота-онасидан бирига ёки оиланинг бошқа аъзосига карантин белгиланган муддатта Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг ҳудудий ва туман (шаҳар) эпидемиологик осойишталик марказлари томонидан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилди.».

3. 46 ва 47-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«46. Бажараётган ишининг хусусиятига кўра юқумли, паразитар касалликларни тарқатиш хавфини туғдирадиган шахслар ишдан четлаштирилганда ёки атрофдагилар учун хавфли бўлган юқумли ва паразитар касалликлар билан оғриган беморларга, паразитар касалликлар билан зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан тиббиёт муассасасида карантинга олинган шахсларга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси карантинда бўлган тўлиқ кунларига тегишли даволаш-профилактика муассасаси томонидан берилди.».

Юқумли, паразитар касалликлар билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан вақтинчалик карантинда сақлашга мослаштирилган мажмуада карантинга олинган шахсларга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси карантинда бўлган тўлиқ кунларига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг ҳудудий ва туман (шаҳар) эпидемиологик осойишталик марказлари эпидемиологик ёки санитар врач томонидан берилди.

Уй шароитида карантинга олинган шахсларга ҳамда карантинга олинган шахсларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси карантинда бўлган тўлиқ кунларига уларнинг яшаш жойидаги поликлиника томонидан берилди.

47. Карантин даврида мазкур Йўриқноманинг 46-бандида назарда тутилган шахслар томонидан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси иш берувчига электрон шаклда юборилиши мумкин.».

4. 54-банддаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (бундан буён матнда Соғлиқни сақлаш вазирлиги деб юритилди)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

*Ушбу буйруқ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.06.2020 йилдан кучга кирди.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

– «Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

– «Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Хусусийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАР:

– ЎзР ДСҚнинг «Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тажриба тариқасида жисмоний шахсларнинг солиқ солиш объектлари ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш, ягона электрон платформани юритиш ва унга кўчмас мулк объектлари ижарога берилганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш тартиби ҳақида вақтинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори;

– ЎзР Солиқни сақлаш вазирининг «Меҳнатга лавқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТАБИЙ ГАЗ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ СОТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Табиий газ ва электр энергиясини аҳоли ва тадбиркорлик субъектларга сотиш механизмини янада такомиллаштириш, уларнинг истеъмоли учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда – Бюро) қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) 2020 йил 1 июлдан қўйидагиларни назарда тутувчи механизмни жорий этиш:

«Худудгазтаъминот» АЖга ва магистрал газ узатиш тизимига уланган истеъмолчиларга табиий газни тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиш функциясини «Ўзтрансгаз» АЖга юклаш;

«Худудгазтаъминот» АЖ томонидан кейинчалик газ тақсимлаш тармоқларига уланган республика ички истеъмолчиларига, шу жумладан аҳолига сотиш мақсадида табиий газни ушбу табиий газ магистрал газ узатиш тизими орқали етказиб берилган тақдирда – «Ўзтрансгаз» АЖдан, шунингдек, тўғридан-тўғри газ тақсимлаш тармоқларига етказиб берилган тақдирда – табиий газ ишлаб чиқарувчилардан олди-соти шартномаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси томонидан тасдиқланадиган тарифлар бўйича сотиб олиниши;

б) 2021 йил 31 декабрга қадар «Ўзтрансгаз» АЖ магистрал газ узатиш тизимига уланган табиий газ истеъмолчиларини (йирик стратегик корхоналар бундан мустасно) «Худудгазтаъминот» АЖнинг газ тақсимлаш тармоқларига, табиий газни етказиб бериш шартномаларини қайта тузган ҳолда босқичма-босқич ўтказиш;

в) 2020 йил 1 августдан Бюронинг:

электр энергияси ва табиий газ истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимлари, шунингдек, муқобил энергия манбаларининг жорий этилишини ташкил этиш ва ушбу жараёнлар устидан мониторинг ўтказишга доир вазифа ва ваколатларини – Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигига;

электр энергияси ва табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг қарздорлигини камайтириш, шунингдек, электр энергияси ва табиий газ сотуви ва истеъмолини ҳисобга олиш бўйича вазифа ва ваколатларини – тегишлича «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг ҳудудий корхоналарига ва «Худудгазтаъминот» АЖнинг ҳудудий газ таъминоти ташкилотларига;

электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний улашиш, талон-тороҳ ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишга доир вазифа ва ваколатларини – тегишлича «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг ҳудудий корхоналарига ва «Худудгазтаъминот» АЖнинг ҳудудий газ таъминоти ташкилотларига ҳамда ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга;

электр энергияси ва табиий газни эҳтиёт қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш юзасидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва масъулиятини ошириш чораларини қўришга доир вазифа ва ваколатларини – тегишлича Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигига, «Худудий электр тармоқлари» АЖга ва «Худудгазтаъминот» АЖга;

энергия ресурслари учун ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш тизимини комплекс таҳлил қилиш, тизимли муаммоларни аниқлаш,

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.06.2020 йилдан қўлغا кирди.

**Фармонга 1–2-шловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва ptt.uz сайтида танишиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги
www.norma.uz
www.norma.uz

такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишга доир вазифа ва ваколатлари – Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигига ўтказиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги «Худудгазтаъминот» АЖнинг ҳудудий газ таъминоти ташкилотларини кейинчалик улуғ негизда филиаллар ташкил этан ҳолда белгиланган тартибда «Худудгазтаъминот» АЖга қўшилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ билан биргаликда:

ички бозорга етказилган табиий газ учун 2020 йил 1 июль ҳолатига мавжуд бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиқларини (магистрал газ узатиш тизимига уланган истеъмолчилар бундан мустасно) «Ўзтрансгаз» АЖдан «Худудгазтаъминот» АЖга қайта расмийлаштирилишини;

табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими 2021 йил охирига қадар барча турдаги истеъмолчилар учун тўлиқ жорий этилишини;

«Ўзтрансгаз» АЖ магистрал газ узатиш тизимига уланган истеъмолчиларини (ийрик стратегик корхоналар бундан мустасно) бир ой муддатда «Худудгазтаъминот» АЖнинг газ тақсимлаш тармоқларига ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини, мазкур жараёни табиий газни етказиб бериш шартномаларини қайта тузишни ҳисобга олиб, 2021 йил 31 декабрга қадар яқунлашни назарда tutган ҳолда тасдиқлашини;

«Ўзтрансгаз» АЖнинг магистрал газ узатиш тизимига уланган истеъмолчиларнинг «Худудгазтаъминот» АЖнинг газ тақсимлаш тармоқларига ўтказилишига қараб, ушбу истеъмолчилар билан табиий газ етказиб бериш шартномаларини «Худудгазтаъминот» АЖ томонидан босқичма-босқич қайта тузилишини таъминласин.

Белгилансинки, «Худудгазтаъминот» АЖ «Ўзтрансгаз» АЖ ва илгари «Ўзтрансгаз» АЖ тарихига кирган унинг ҳудудий газ таъминоти филиаллари билан истеъмолчилар (магистрал газ узатиш тизимига уланган истеъмолчилар бундан мустасно) ўртасида тузилган табиий газ етказиб бериш бўйича шартнома ва мажбуриятлар юзасидан ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

4. Бош прокуратура Молия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутуви Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва расмийлаштириш механизми;

ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан қаттиқ маиший қиңдиларни тўлаш ва олиб чиқиш бўйича қўрсатилган хизмат-

лар учун мажбурий тўловларни ундириш механизми;

энергия таъминоти, қаттиқ маиший қиңдиларни тўлаш ва олиб чиқиш соҳасида тўлов интизомини таъминлаш бўйича Бюро органларининг вазифалар тугатилиши муносабати билан унинг фаолиятини такомиллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш.

Белгилансинки, электр энергияси ва табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши бўйича вазифалар ўтказилиши муносабати билан «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг ва «Худудгазтаъминот» АЖнинг тузилмалари фаолиятига қўшимча жалб қилинадиган ходимлар, биринчи навбатда, мазкур бандининг тўртинчи хатбошисига мувофиқ қисқартирилаётган Бюро ходимлари ҳисобидан тўлдирилади.

5. Белгилансинки:

2020 йил 1 июлдан бошлаб янги табиий газ истеъмолчилари (ийрик стратегик корхоналар бундан мустасно) фақат газ тақсимлаш тармоқларига уланади;

нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш (шу жумладан охириги истеъмолчигача сотиш) бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс – лицензиатлар томонидан умумий фойдаланишдаги газ тармоқларига ўзбошимчilik билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш, шунингдек, ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадига уларга лицензиат томонидан рухсатсиз аралаштириш лицензия битими ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари-га 1-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 2-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Бюро ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 18 июнь
ПФ-6010-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида*

Республикада хизматлар соҳасининг тездор ўсиш суръатларини таъминлаш, мазкур йўналишда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағлиқни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг хизматлар соҳасини ривожлантириш учун тижорат банкларига Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион АҚШ доллари эквивалентида кредит линиясини ажратиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

кредит линияси тижорат банкларига 7 йил муддатга, шу жумладан 3 йиллик имтиёзли даври билан фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан 4 фоиз паст қилиб берилсади;

тижорат банклари томонидан кредитлар хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларига, айниқса маиший, таълим, тиббий, ахборот-коммуникация ва бошқа талаб юқори бўлган соҳаларда фаолият кўрсатадиган корхоналарни ташкил этиш (молия ва савдо соҳаларидаги тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно) ва жиҳозлаш учун Марказий банкининг асосий ставкаси бўйича 1 миллиард сўмгача миқдорда ажратилади;

мазкур қарорда назарда тутилган кредит линияси маблағ-

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 16.06.2020 йилдан кучга кирди.

2018 йил 11 октябрь) асосан кўчмас мулк ижара шартномасини тuzиш ва уни солиқ органларида мажбурий ҳисобга қўйиш талаб этилмайди.

3. Жисмоний шахсларнинг даромад манбаи сифатида солиқ органларида ҳисобга қўйиладиган айрим мол-мулкларга қуйидагилар кирди:

сув транспорти (моторли ва моторсиз, шу жумладан шишириладиган);

сув мотоцикллари (скутерлар ва бошқалар);
қорда юрадиган техника воситалари (қор автоуловли);
квадратцикллар;

парапланлар ва дельтапланлар;
супа, сўри, топчанлар ва шунга ўхшаш дам олиш учун мўлжалланган.

4. Жисмоний шахслар томонидан гувоҳнома асосида ижарага берилган солиқ солиш объектлари ҳақидаги маълумотлар электрон платформага мобил илова ёки веб-сайт орқали киритилиши лозим.

5. Мазкур Низом талаблари тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтган меҳмонхона хизмати билан шугулланганидан юридик шахсларга, оилавий меҳмон уйи хизматлари кўрсатадиган юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек ушбу Низомда кўрсатилмаган мол-мулкларни ижарага бериш билан шугулланганидан жисмоний шахсларга нисбатан таъбиқ этилмайди.

2-БОБ. СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚ ОРГАНЛАРИДА ҲИСОБГА ҚЎЙИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА БЕРИШ

6. Жисмоний шахс ёки унинг ишончли вакили ижарага бериладиган солиқ солиш объектини ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун солиқ органига қуйидаги ҳужжатларни электрон платформага орқали юборди:

мазкур Низомнинг 1-иловасига** мувофиқ шаклда кўчмас мулк объектини ҳисобга қўйиш ҳақида ёки 2-иловасига** мувофиқ шаклда айрим мол-мулкни ҳисобга қўйиш ҳақида ариза;

жисмоний шахснинг шахсини ёки унинг ишончли вакили ваколатини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

7. Икки ва undan ортиқ солиқ солиш объектларини ҳисобга қўйиш истagini билдирган жисмоний шахслар ушбу солиқ солиш объектлари тўғрисидаги маълумотларни солиқ солиш объектларини ҳисобга қўйиш ҳақидаги аризаларида қўшимча равишда кўрсатишлари мумкин.

8. Жисмоний шахслардан мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

9. Ижарага бериладиган солиқ солиш объектини ҳисобга қўйиш билан боғлиқ мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ижарага берувчи ёки унинг ишончли вакили хоҳишига қўра Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Ғазалкент шаҳри, Дўстлик, Сижжақ ва Новобод маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ташкил этиладиган солиқ таянч пунктларига (бундан бўён матнда Солиқ таянч пункти деб юрилади) қоғоз шаклида тақдим этилиши мумкин.

10. Кўчмас мулк объектлари ва айрим мол-мулкларни ҳисобга қўйиш жисмоний шахс томонидан ариза электрон платформани орқали электрон тарзда тақдим этилганда реал вақт режимида, Солиқ таянч пунктларига қоғоз шаклида тақдим этилганда эса, ўша вақтнинг ўзида амалга оширилади.

11. Ижарага бериладиган солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома жисмоний шахс томонидан ариза электрон тарзда тақдим этилганда электрон платформа орқали ёки қоғоз шаклида тақдим этилганда Солиқ таянч пунктлари томонидан ушбу Низомнинг 3-иловасига** мувофиқ шаклда бепул берилди.

12. Икки ва undan ортиқ солиқ солиш объектларига эга бўлган жисмоний шахсларга битта умумий солиқ солиш объектини ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилди. Гувоҳноманинг орқа томонида QR-код орқали ҳар бир қўшимча солиқ солиш объектлари алоҳида кўрсатилади. Бунда супа, сўри, топчанлар ва

шунга ўхшаш дам олиш учун мўлжалланган жойларга гувоҳнома беришда солиқ солиш объектининг номи билан бирга унинг сони ҳам кўрсатилади.

13. Гувоҳноманинг ҳақиқийлиги QR-кодни махсус мобил илова орқали текшириб қўриш билан аниқланади.

3-БОБ. ЯҲОНА ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАНИ ЮРИТИШ ВА УНГА ИЖАРАГА БЕРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ КИРИТИШ

14. Электрон платформада солиқ органлари томонидан жисмоний шахсларнинг ижарага берилган кўчмас мулк объектлари ва айрим мол-мулкларнинг ҳисоби юритилади.

Бунда, электрон платформа барча фойдаланувчилар (ижарага берувчилар, ижарага олувчилар ва солиқ органлиги) учун ягона тизим доирасида ўзаро уйғунлиқда, undan фойдаланувчилар гуруҳларга ажратилган ва бир-бирига таъсир кўрсатмаган ҳолда мустақил ишлаш имкониятига эга бўлади.

15. Электрон платформада кўчмас мулк объектлари ва айрим мол-мулкларни ижарага олиш истagini билдирган шахслар ижарага берувчи жисмоний шахсларнинг солиқ солиш объектлари тўғрисидаги маълумотлари асосида танлашлари, уларни онлайн банд қилишлари ва тўловларни амалга оширишлари мумкин.

16. Кўчмас мулк объектлари ва айрим мол-мулкларни ижарага бериш солиқ органларида ҳисобга олинганда махсус чекларни тақдим этиш орқали амалга оширилади.

17. Жисмоний шахслар кўчмас мулк объектларини ижарага берилган вақтда ҳамда айрим мол-мулкларни ижарага берилган кун якунига қадар ижарага олувчилар сони ва махсус чеклар орқали қабул қилинган ижара тўлов миқдори тўғрисидаги маълумотларни мобил илова ёки веб-сайт орқали электрон платформага киритади.

Бунда, икки ва undan ортиқ солиқ солиш объектлари ҳисобга қўйилган жисмоний шахслар томонидан маълумотлар электрон платформага ҳар бир солиқ солиш объекти бўйича алоҳида киритилиши лозим.

18. Жисмоний шахслар томонидан ижарага берилган солиқ солиш объектлари учун тақдим этиладиган махсус чеклар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22-моддасига мувофиқ товарларни (хизматларни) реализация қилишда харидорга бериладиган чеклар ёки уларни ўрнини босувчи бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади.

4-БОБ. СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲИСОБГА ҚЎЙИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

19. Солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани амал қилиш мuddати тажриба даври тугаганидан кейин тугатилади.

20. Жисмоний шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари кўчмас мулк объектлари ва айрим мол-мулклар бошқа шахс эгаллигига ўтганда ёки бузилганда (яроқсиз ҳолатга келганда) солиқ солиш объектининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бекоор қилиш ҳақида мазкур Низомнинг 4-иловасига** мувофиқ шаклдаги ариза билан электрон платформа орқали солиқ органларида ёки қоғоз шаклда Солиқ таянч пунктига мурожаат қилишлари мумкин.

Бунда, икки ва undan ортиқ солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилганлигини бекоор қилиш истagini билдирган жисмоний шахслар аризага тегишли солиқ солиш объектлари тўғрисидаги қўшимча маълумотларни киритади.

21. Солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бекоор қилиш жисмоний шахс томонидан ариза солиқ органига электрон платформа орқали тақдим этилганда реал вақт режимида, Солиқ таянч пунктларида қоғоз шаклида тақдим этилганда эса ўша вақтнинг ўзида амалга оширилади.

22. Солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бекоор қилинганлиги ҳақида мазкур Низомнинг 5-иловасига** мувофиқ шаклда QR-коди мавjud бўлган билдиришнома электрон тарзда электрон платформа

Т/Р	Корхона номи	Давлат улushi (%)*	Хўжалик жамияти улushi (%)**
5.	«Ўзгеорангмет ЛИТИ» ДУК	100,0	—
6.	«Ўзшахарсозлик ЛИТИ» ДУК	100,0	—
7.	«Денов вино-ароқ» АЖ	51,0	—
8.	«Кафолат сугурта компанияси» АЖ	66,5	—
9.	«Олмазор кичик саноат зонаси» АЖ	73,7	7,7
10.	«Шахрисабз юлдузи» ДУК	100,0	—

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДА ТАЖРИБА ТАРИҚАСИДА
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТЛАРИ ҲИСОБГА
ҚЎЙИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА БЕРИШ, ЯГОНА ЭЛЕКТРОН
ПЛАТФОРМАНИ ЮРИТИШ ВА УНГА КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ
ИЖАРАГА БЕРИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ КИРИТИШ
ТАРТИБИ ҲАҚИДА ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 12 июнда рўйхатидан ўтказилди, рўйхат рақами 3243

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги «Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тажриба тариқасида солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш ва солиқ маъмуриятчилигининг алоҳида тартибини жорий этиш тўғрисида»ги 107-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тажриба тариқасида жисмоний шахсларнинг солиқ солиш объектлари ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш, ягона электрон платформани юритиш ва унга кўчмас мулк объектлари ижарага берилганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш тартиби ҳақида вақтинчалик низомни тасдиқлаш тўғрисида

риланлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш тартиби ҳақида вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

3. Мазкур қарор 2021 йил 1 майга қадар амал қилади.

**Давлат солиқ қўмитаси раиси
Ш.КУДБИЕВ.**

*Тошкент ш.,
2020 йил 25 май
2020-20-сон.*

*ЎЗР ДСҚнинг 2020 йил 25 майдаги 2020-20-сон қарорига
ИЛОВА*

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДА ТАЖРИБА ТАРИҚАСИДА
ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТЛАРИ ҲИСОБГА
ҚЎЙИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА БЕРИШ, ЯГОНА ЭЛЕКТРОН
ПЛАТФОРМАНИ ЮРИТИШ ВА УНГА КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ
ИЖАРАГА БЕРИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ КИРИТИШ
ТАРТИБИ ҲАҚИДА ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

Мазкур Вақтинчалик низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 107-сон «Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тажриба тариқасида солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш ва солиқ маъмуриятчилигининг алоҳида тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тажриба тариқасида жисмоний шахсларнинг солиқ солиш объектларини ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ягона электрон платформасини (бундан буён матнда электрон платформа деб юритилади) юритиш ва унга кўчмас мулк объектлари, шунингдек айрим мол-мулк турларининг ижарага берилганлиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Тажриба даврида жисмоний шахслар томонидан дам олиш уйлари, дала ҳовли, яқка тартибда қурилган уй-жойлар ва яшаш учун мўлжалланган бошқа турар жойлар (бундан буён матнда кўчмас мулк объектлари деб юритилади), шунингдек айрим мол-мулк турлари (бундан буён матнда айрим мол-мулклар деб юритилади) солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома асосида ижарага берилади.

2. Жисмоний шахслар томонидан кўчмас мулк объектлари солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома асосида ижарага берилган тақдирда, Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида низомга (рўйхат рақами 3077,

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 12.06.2020 йилдан кучга кирди.

**Вақтинчалик низомга 1–5-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Nota» АҚТ ва nnt.uz сайтида танишиш мумкин.

ларининг камида 20 фоизи аёллар ва ёш тадбиркорларга ажратилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4742-сон қарори билан ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган 67 та фаолият (ишлар ва хизматлар) турлари учун «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан

ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ва қайтарилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 16 июнь
ПҚ-4752-сон.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Мамлакатда давлат органларининг аҳоли билан мулоқотини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳада ислохотларнинг ҳозирги босқичи давлат органларида низоларни судгача кўриб чиқишнинг ягона тизимини яратиш, медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитражларни фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган низоларни ҳал этувчи самарали муқобил институтларга айлантириш лозимлигини тақозо этмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, судларда иш ҳажмини маъбуллаштиришда медиация институти, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ролини тубдан ошириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ ишни судда қуришга тайёрлаш пайтида судья тарафлардан келишув битимини тузиш эҳтимолини ёки низоли ҳал қилишнинг муқобил усуллари эҳтимолини аниқлайди ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради;

ҳуқуқий жамиятда низоли ҳал этишнинг муқобил механизмлари яратилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга эришишнинг самарали воситаси сифатида баҳоланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тартибиде:

Давлат божхона қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳузурда Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашларини (кейинги ўринларда – апелляция кенгаши) ташкил этиш тўғрисидаги;

жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг фэйриқонунли хатти-ҳаракатлари (қарорлари) ёхуд ҳаракатсизлиги натижасида ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги мурожаатлари Апелляция кенгаши томонидан кўриб чиқилиши тартибининг ўрнатил тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, мазкур тартиб жисмоний ва юридик шахсларнинг бундай ишлар юзасидан тўғридан-тўғри бошқа вако-

латли давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқини истисно этмайди.

3. Қуйидагилар: Апелляция кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органи ҳал қилиш юзасида юзага келадиган низоларни судгача кўриб чиқиш ва хулоса қабул қилиш орқали уларни ҳал этиш чораларини кўриш;

муурожаатни кўриб чиқишда қонун ҳужжатига турлича талқин этилиши мумкин бўлган нормалар аниқланган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда, уларни белгиланган тартибда расмий шарҳлашни ташкиллаштириш бўйича чораларни кўриш;

муурожаатни кўриб чиқишда аниқланган қонун ҳужжатларидagi бўшлиқларни бартараф этиш бўйича тақлифлар киритиш.

4. Белгилансинки:

Апелляция кенгашининг таркиби тегишли давлат органи раҳбарининг қарори билан икки ярим йил муддатта тасдиқланади;

Апелляция кенгаши 7 нафардан 11 нафаргача аъзолардан иборат таркибда тузилиши мумкин;

Апелляция кенгаши аъзолигига амалий тажрибага ва обрў-эътиборга эга давлат органининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимлари, шунингдек, соҳада катта амалий тажриба ёки илмий салоҳиятга эга бўлган обрўли фуқаролар қабул қилинади. Бунда, давлат органининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ёки ходимлари ҳисобланмаган Апелляция кенгаши аъзолари жами Кенгаш аъзоларининг бешдан бир қисмидан ошиб кетмаслиги лозим;

Апелляция кенгаши унда кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан тавсиявий тўсга эга давлат хулоса қабул қилади. Апелляция кенгаши томонидан қабул қилинган хулоса учун кун муддатда давлат органи раҳбарига кўриб чиқиш учун, бошқа манфаатдор тарафларга маълумот учун юборилади;

Апелляция кенгашининг хулосасини қабул қилиб олган давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари уни инобатга олиши ёки ёзма асослангиларин тарзда рад этиши мумкин. Бунда, давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда Апелляция кенгаши ва тарафларни ёзма ёки электрон тарзда хабардор қилади.

5. Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгаши тўғрисидаги низоим иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р.Давлетов, М.Икрамов):

Апелляция кенгаши ташкил этилаётган давлат органларининг бу борадаги фаолиятини доимий равишда мониторинг қилиб борсин ҳамда тизимнинг самарали ишланиши таъминлаш мақсадида уларга амалий ва услубий жиҳатдан кўмаклашсин;

*Ушбу қарор қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.06.2020 йилдан кучга кирди.

**Қарорга илова «СБХ»да чоп этилмайдۇ. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АКТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

2021 йил 1 июлга қадар мазкур қарорнинг 2-бандига асосан жорий этилаётган эксперимент натижаларини кенг қамровли таҳлил қилган ҳолда, уни кейинчалик бошқа давлат органларида ҳам жорий этишнинг мақсада мувофиқлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асосланган рақамли қарорни киритсин.

7. Белгилансинки, қуйидагилар:

низолати муқобил усулда ҳал этиш билан шугулланувчи профессионал медиаторларнинг ўзаро бирлашувига асосланган Медиация маркази;

Профессионал медиаторлар, ҳақамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ўзаро бирлашувига асосланган Низолати муқобил усулда ҳал этиш маркази нодавлат тождорат ташкилоти сифатида ташкил этилиши ва фаолият юритиши мумкин.

8. Медиация маркази ва Низолати муқобил усулда ҳал этиш марказининг (кейинги ўринларда – Марказлар) асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

медиация, ҳақамлик судлари ва халқаро арбитраж фаолиятига низолати муқобил усулда ҳал этиш тартиб-таомилини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш;

медиация, ҳақамлик суди ва халқаро арбитраж ишларини қуриш билан боғлиқ фаолиятга аралашмаслик принципи асосида иш юритиш;

медиация, ҳақамлик судлари ҳамда халқаро арбитраж соҳаларида мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш. Бунда, медиаторларни тайёрлаш 72 соатдан кўп бўлмаган ўқув курслари бўйича амалга оширилади ва уларни муваффақиятли юндалган тинловчиларга сертификат берилади;

медиация ва низолати муқобил ҳал этишнинг бошқа усуллари ривожланиши ва кенг оммалашувига кўмаклашиш, бу соҳада семинарлар, тренинглар ва конференциялар ташкил этиш.

9. Белгилансинки, Марказлар:

а) тинловчиларга таълим беришни ташкиллаштириш учун: шартнома асосида олий таълим муассасаларининг малакали педагогларини, шунингдек, миллий ва хорижий медиатор,

ҳақамлик судьялари ва арбитражлари ҳамда вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларини жалб этиши мумкин;

етақли хорижий медиация ва арбитраж марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши, низолати муқобил усулда ҳал этиш соҳасида тажриба алмашиши, шунингдек, низолати муқобил ҳал этишга хорижий медиаторлар ва арбитражлари жалб этиши мумкин;

б) медиация, ҳақамлик суди ва халқаро арбитраж фаолияти юзасидан адлия органларига ҳисоботлар топширишдан овоз этилади;

в) олий маълумотга эга раҳбарни қўшиб ҳисоблаганда камида беш нафар ходимга эга бўлишлари керак.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р.Давлетов, М.Икрамов):

а) профессионал медиаторлар, ҳақамлик судлари ва халқаро арбитражлар ўртасида доимий равишда Марказлар ташкил этилишининг ижобий тарафлари ҳақидаги тарғибот ишларини ва бу борадаги фаолиятни мониторинг қилиб борсин ҳамда ҳар чорақда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин;

б) икки ой муддатда илгор хорижий тажрибадан келиб чиқиб:

медиаторларни тайёрлаш бўйича ўқув курсларининг намунавий дастурини ишлаб чиқсин;

Бош прокуратура билан биргаликда медиация институтининг жиноят процессига таъбиқ этилиши мақсада мувофиқлиги бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

11. Тошкент давлат юридик университети ва Юристлар малакасини ошириш марказининг улар муассислигида Тошкент медиация марказини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маълумлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р.Давлетов, М.Икрамов) Тошкент давлат юридик университети ва Юристлар малакасини ошириш маркази билан биргаликда Тошкент

медиация маркази фаолиятини ташкиллаштириш ҳамда 2021 йил 1 январга қадар Тошкент медиация марказини жаҳоннинг медиация институтини ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, тайёрланган бино ва ҳижозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Тошкент шаҳрида:

2020 йил 1 июлдан бошлаб, эксперимент тарикасида, давлат хизматлари марказлари биноларида низолашувчи фуқароларга медиатор хизматидан фойдаланиш учун алоҳида хоналар ажратсин;

экспериментнинг ижобий натижалари асосида 2021 йил 1 апрелга қадар ушбу амалиётни барча давлат хизматлари марказлари биноларида таъбиқ этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асосланган рақамли қарорни киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой муддатда белгиланган тартибда профессионал медиаторликни касб сифатида Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суди Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда профессионал медиаторлар ва ҳақамлик судлари реестрларига киритилган профессионал медиаторлар ҳамда ҳақамлик суди судьялари тўғрисидаги маълумотларнинг барча суд биноларида жойлаштирилишини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р.Давлетов, М.Икрамов) доимий равишда:

Олий суд, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан биргаликда профессионал медиаторлар, ҳақамлик судьяларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга масъул ходимлар учун низолати муқобил ҳал этиш бўйича илгор тажрибани ривожланган хорижий давлатларда ўрганишни ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида низолати муқобил медиация, ҳақамлик судлари ва халқаро арбитраж институтининг афзалликларига бағишланган ижтимоий роликлар, кўрсатув ва эшиттиришларни эфирга узатиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эътиборига етказиш чораларини кўрсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тегишли олий таълим муассасаларида илгор хорижий тажрибалар асосида медиация, ҳақамлик суди ва халқаро арбитраж соҳалари учун низолати муқобил йўналишларига оид бўлган магистратура мутахассисликларини ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асосланган рақамли қарорни киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари У.Ш.Ташходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ш.МИРЗИЕВ.**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 17 июнь
ПҚ-4754-сон.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

Давлат активларини бошқариш ва хусусийлаштиришда халқаро тажрибага асосланган замонавий ёндашувларни кенг жорий этиш орқали инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ва Молия вазирлигининг давлат иштирокидаги корхоналарнинг инвестициявий жозибadorлигини таъминлаш учун сотишдан олдин тайёргарлик ишларини амалга ошириш ва салоҳиятли инвесторларга сотиш орқали хусусийлаштиришнинг муваффақиятли натижаларини таъминлаш бўйича Агентлик муассасидаги акциядорлик жамияти шаклида «UzAssets» инвестиция компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар «UzAssets» инвестиция компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат акция пакети (улуши) устав капиталига берилган корхоналарни (кейинги ўринларда — корхоналар) сотишдан олдин тайёрлаш, шу жумладан уларнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш, бу борада самарали механизмларни жорий этиш бўйича хорижий, халқаро институтлар ва компаниялар билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш;

корхоналар фаолиятини комплекс таҳлил қилиш (due diligence), жумладан, инвестициявий таҳлил қилиш, «бенчмаркинг» усулида таққослаш орқали ривожланиш прогноз кўрсатишларини белгилаш;

корхоналарнинг даромадлилик нормасини халқаро амалиётдаги мезонлар (IRR, NPV, EBITDA ва бошқалар) асосида таҳлил қилиш;

устав капиталига берилган акция пакетларини (улушларини) самарали бошқариш, корхоналарни ички ва ташқи бозорларда рақобатбардор корхоналарга айлантириш;

салоҳиятли инвесторларнинг рўйхатини (short-list) шакллантириш;

инвестиция воситачиларини жалб этган ҳолда, «Road Show» дастурларини ишлаб чиқиш ва мақсадли аудиториялар учун тақдимотлар ўтказиб борилишини ташкил этиш;

иқтисодиёт тармоқларини узоқ муддатли ривожлантириш мақсадларидан келиб чиқиб, устав капиталига берилган активларни салоҳиятли инвесторларга сотиш орқали барқарор ва муваффақиятли хусусийлаштиришни таъминлаш.

3. «UzAssets» инвестиция компаниясининг:

устав капитали Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини

бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси ҳисобидан 20,0 млрд сўм миқдоридagi пул маблағлари ҳамда ушбу қарорга иловага мувофиқ корхоналарнинг давлат акция пакетлари (улушлари) номинал қийматида бериш ҳисобига шакллантирилади;

устав капиталига кейинчалик ўтказилadиган ва хусусийлаштирилиши белгиланган давлат акция пакетлари (улушлари) номинал қийматда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади;

Кузатув кенгаши таркибига Агентлик директори киритилган ҳолда, унинг таркиби камида 50 фоиз аъзолари юқори малакали, халқаро тажрибага эга бўлган мутахассислардан иборат бўлади;

устав капиталига берилган давлат акция пакетлари (улушлари) унинг Кузатув кенгаши қарорига асосан бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда, халқаро амалиётда кенг қўлланadиган тартибларга мувофиқ сотилади;

ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади;

соф фойдаси унинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган сақлаш харажатлари, жумладан, корхоналарни сотишдан олдинги тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни чегирган ҳолда тўлалигича Агентликка ўтказилади ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар сифатида белгиланган тартибда тақсимланади.

4. Агентлик бир ой муддатда «UzAssets» инвестиция компаниясини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва жойлаштириш чораларини кўрсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С.Х.Бекенов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 15 июнь
381-сон.

ЎзР ВМнинг 2020 йил 15 июндаги 381-сон қарорига
ИЛОВА

«UZASSETS» ИНВЕСТИЦИЯ КОМПАНИЯСИ УСТАВ КАПИТАЛИГА ДАВЛАТ АКЦИЯ ПАКЕТЛАРИ (УЛУШЛАРИ) НОМИНАЛ ҚИЙМАТДА БЕРИЛАДИГАН КОРХОНАЛАР РЎЙХАТИ

Т/Р	Корхона номи	Давлат улуши (%)*	Хўжалик жамияти улуши (%)**
1.	«Кварц» АЖ	89,8	—
2.	«Қизилқумцemente» АЖ	86,9	—
3.	«Урганч шароб» АЖ	53,9	—
4.	«Ўзбекистон шамплани» АЖ	51,0	—

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 16.06.2020 йилдан кучга кирди.

** «UzAssets» инвестиция компанияси устав капиталига берилadиган давлат акция пакетлари (улушлари) миқдори ўзгарган тақдирда, активларнинг ўтказилиши ўзгаришларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

*** Ушбу жамиятлар таъсисчиларининг устав капиталидаги давлат улуши номинал миқдор бўйича камайтирилади.

ДИҚҚАТ, ОБУНА!

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ 2021 йил учун обуна кампаниясини бошлаб, муштарийларга «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталарига

ОФИСДАН ЧИҚМАСДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ишончли маслаҳатчингиз бўлмиш газеталарингизни мунтазам равишда олиб туришингиз учун биз сизга мазкур сонда чоп этилаётган оммавий офертамиздан фойдаланган ҳолда 2021 йилга обунани расмийлаштиришни тақлиф этамиз.

ОБУНАЧИЛАР УЧУН БОНУСЛАР

186, 172 индекслари остидаги босма нашрларга йиллик обунани расмийлаштирган обуначилар бонуслардан фойдаланган ҳолда куйидаги имкониятларни кўлга киритадилар:

1) «Norma» ўқув марказининг 2 та семинари ва 12 та вебинарида иштирок этиш;

2) «Norma» ўқув марказининг семинарлари (иккитадан ташқари) ва курсларида 30%лик чегирма билан ўқиш;

3) «Жавоб берамиз» хизматининг экспертларидан бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, меҳнат қонунчилиги ва ҳўжалик ҳуқуқи масалалари бўйича 12 та оғзаки ва 4 та ёзма маслаҳатларни олиш;

4) «Gorod skidok» дисконт дастурининг ҳамкор ташкилотлари (кафе ва рестороанлар, дўкон ва сервис марказлари)да иш, рўзғор ва оила учун товарлар ва хизматлар ҳақини тўлашда катъий белгиланган сийловлар олиш ҳуқуқини берадиган «Normальная карта» дисконт картасидан фойдаланиш;

5) «Рoutax» радиоси орқали ўз раҳбарингиз ёки бош бухгалтерингизни таваллуд кунлари билан қутлаш имконияти (FM 103,5 – ўзбек тилида ёки FM 107,2 – рус тилида – танловга қўра).

ҚўШИМЧА БОНУСЛАР

обунани фақат имтиёзли давр – 2020 йилнинг 31 августига қадар расмийлаштирган обуначилар учун:

6) 2020 йилнинг сентябридан декабрь ойига қадар «Norma» ўқув марказининг 1 та семинарида иштирок этиш;

7) «Norma» ўқув марказида 30 академик соат ҳажмида 1 та масофали курсда (танловга қўра) ўқиш учун сертификатга эга бўлиш (1 та обуна – 1 киши);

8) дастлабки 500 нафар обуначига – «Қўшилган қиймат солиғи» китобини олиш учун ҳуқуқ берилади (1 та обуна – 1 та китоб)

Қўшимча маълумотларни (0-371) 200-00-30 телефони ва www.norma.uz сайтидан олиш мумкин.

ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. «NORMA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ бундан кейин Таҳририят деб қорғиланиши, мазкур тақдир билан Тошкент шаҳри ёки республика миқталакларига жойлашган (истисноқат қилганидан), куйида тақдир қилинган шартларни тўлашга ўзи таволашган нашрларига хисобга олган ҳолда, ва сўзсиз қабул қилиниши белгиланган шахс (бунидан кейин – Обуначи) билан мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ 2021 йилга обуна шартномасини (бунидан кейин – Шартнома) тузишга тайёр эканлигини билдиради. Таҳририят ва Обуначи кейинги ўринларда биргаликда Тарафлар деб номланган.

2. Обуначи мазкур Шартнома шартларини кабул қилган тақдирда, унинг иловақисда келтирилган шартлар бўйича тўлиқришган ҳамда унинг ажрълмас қисмини хисобланган буюртманома-акцептнинг (бунидан кейин – Акцепт) жўнаштириш билан мазкур оммавий оферта шартларига бўйича обуна бўлишга розилиши ҳақида Таҳририятни хабардор қилади. Акцептнинг барча усунлари тўлиқ, қисқартририлмаган, аниқ-равшан, босма харфлар билан тўлиқриштирилган, электрон поштага орқали жўнаштирилиши ёки Таҳририятга Тошкент ш. Навоий кўчаси, 22-уй манзили бўйича келтириб берилиши мумкин.

Факсимил ёзмамаълумот юридик кучга эга.

3. Таҳририят 2021 йил учун Акцептга қўрсатилган нашрларга (Обуначининг танловига қўра) обуна қилиш мажбуриятини, Обуначи эса унинг расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Шартнома Таҳририят Акцептнинг олган вақтидан бошлаб тўлиқ хисобланган билан кучга киради ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартларига тўлиқ бажарилганига қадар амал қилади.

5. Обуначи обуна қиймати мазкур Шартноманинг шартларига мувофиқ 2020 йил 25 декабрьдан кейинкидан тўлаши шарт.

6. Обуна қийматини тўлаш шартлари: Обуначи томонидан Таҳририят хисоб-китоб рақамига пул маблағларини (Акцептга буюнён белгиланган тўловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан ҳақни қозғон (100%) олдиндан тўлаш. Тўлов Таҳририят қасасига нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

7. Таҳририят унинг хисоб-китоб рақамига мазкур Шартноманинг 5 ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган тартибда пул маблағларини келиб тушганидан кейин, Таҳририятда Обуначининг келиб тушган мажбуриятини бажаришга киритилади.

8. Таҳририят пошта бўлиқлари орқали республика доирасида Обуначига у томонидан Акцептда мазкур шартноманинг 3-бандига мувофиқ келдирилган нашрларни навобатдаги сон чиккиши билан кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил қилади.

9. Нашрлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи тегишли пошта бўлимига мурожаат қилиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10

(ўн) календарь кундан кейинкирмай бу ҳақда Таҳририятни хабардор қилиши шарт.

10. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда, Обуначи нашрларни янги манзилга етказиб бериш масъулиятини пошта бўлими билан келишиб олиши шарт. Почта хизмати томонидан нашрлар янги манзилга етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кейинкирмай бу ҳақда Таҳририятни хабардор қилиши шарт.

11. Акцепт муқдлати 2020 йил 25 декабрьдан қилиб белгиланган. Агар Таҳририят томонидан Акцепт ва пул маблағлари ушбу муқдлатдан кечроқ олинган бўлса, Шартнома тузилмаган деб хисобланган, Тарафларда у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзатга келмайди. Бундай ҳолда пул маблағлари Обуначига қайтарилган.

12. Шартнома шартларини бажармаганлик ёки дозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида мавофик жавоблар бўлади.

13. Обуначи томонидан Акцептга унинг манзили нотўғри қўрсатилганили сабабли нашрларни етказиб бериш юзасидан Шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун Таҳририят Обуначига олдида жавоблар бўлади.

14. Тарафлар Шартнома шартларини бажармаганлик ёки дозим даражада бажармаганлик учун, агар бу Шартнома тузилганидан кейин, Тарафлар олдиндан кўра олмаган, оқилгона чоралар билан олдини ололмаган фавқулоқда туҳдети воқеалар натижасида енгил бўлмақ куч ҳолатлари (форс-мажор) бошланиши оқибатида юз берган бўлса, жавоблар бўлади.

15. Форс-мажор ҳолатларининг бошланганиги туғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) ил кунни мобайнида хабардор қилиши шарт.

16. Мазкур Шартнома бажариш чотида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни Тарафлар музокаралар йўли билан, шу жумладан таълонома юбориш йўли билан ҳал этилади. Келишмовчилик эришилмаган тақдирда низо суд тартибда ҳал этилади.

17. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш муқдлати – 2020 йил 25 декабрьгача.

18. ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ

100105, Тошкент ш., Таглимаржон кўча, 1/1

Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш., Навоий кўча,

22

Хўр: 2020 8000 3008 7382 7001.

Тошкент ш. «КДВ Bank Uzbekistan» банкда

МФО 00842

СТПР 305504530, ИФУТ 58130

ККС тўловчиининг рўйхатдан ўтказиш коди:

326010039431.

Тел./факс (371) 147-11-72.

Баҳошар КАЛОМОВ,
«NORMA DAVRIY NASHRLARI»
МЧЖ директори.

ЕРГА БЎЛГАН ХУҚУҚНИ ОЛДИНГИЗМИ – СОЛИҚНИ ТЎЛАНГ

Ташкилот уй-жой қуриш билан шуғулланади. Уй-жой қуриладиган ер участкасида бузиладиган хусусий уйлар бор. Мулкдорларга бузиладиган уй-жойлар учун компенсация ёки янги қурилган уй-жойлардан тенг қийматли квартира берилади.

1. Янги уй-жойларни қуриш учун олинган ер участкалари қурувчига ўтадимми?
2. Унга ер солиғи тўланадими?

1. Ҳа, ўтади.

Қурувчига ер участкалари ажратилганидан кейин ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилади. Берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегаралар Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари томонидан натурада (жойнинг ўзидан) белгиланганига ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилганига қадар мазкур ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга киришиш тақиқланади (ЕК 23-м.). Ушбу ҳужжатлар расмийлаштирилганидан сўнг ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи корхонага ўтади.

2. Ҳа тўланади.

Юридик шахслар мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида фойдаланиладиган ер участкалари учун ер солиғи тўлайди (СК 424-м. 3-қ.). Йил давомида мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари солиқ тўловчига ўтказилган ер участкалари учун солиқ базаси ер участкаларига тегишли ҳуқуқ пайдо бўлган ойдан кейинги ойдан бошлаб ҳисобланади.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

«ДАРОМАДЛИ» ХАТОЛИКЛАР

2019 йилда корхонамиз ҳисобида АҚШ долларидан берилган 15 та кредит бўлган. Бухгалтерия ҳисобини юритиш учун ИС дастуридан фойдаланамиз ҳамда валютани қайта баҳолаш ва курс фарқи ҳисоби автоматик тарзда амалга оширилади. Бироқ 2019 йилда валюта кредитлари бўйича қолдиқлар дастурда қайта баҳоланмади, бу эса бухгалтерияда ва солиқ ҳисобида, шунингдек ҳисоботда хатоликларга йўл қўйилишига олиб келади. Бу хатоликни 2020 йилда аниқлаб, курс фарқини ҳисобладик, бизда фойда ва тегишинча, фойда солиғи камайган. Қайта ҳисоб-китоб топширишига ҳаракат қилиб кўрдик, лекин Ҳисоб-китоб ҳали қабул қилинмаган.

Техник сабабларга кўра 2019 йил учун курс фарқидан зарарлар солиқ ҳисоботида акс эттирилмаган бўлса, 2019 йилдаги эмас, балки 2020 йилдаги курс фарқига тузатишлар киритилиши лозимми?

Солиқ ҳисоботи

Солиқ базаси тузатишлар 2019 йилги солиқ ҳисоботига киритилиши ва у қайта топширилиши лозим.

Ўзи илгари тақдим этган солиқ ҳисоботида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ўзгаришига олиб келган нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларни ва (ёки) хатоларни аниқлаган солиқ тўловчи ушбу

солиқ ҳисоботига зарур тузатишларни киритиши ва солиқ органига аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиши шарт. Бунда солиқ ҳисоботини тақдим этишининг белгиланган муддати ўтгандан кейин тақдим этилган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи муддат бўзилган ҳолда тақдим этилган деб ҳисобланмайди (СК 83-м. 1, 2-қ.).

Молиявий ҳисобот

2019 йил учун Бухгалтерия ҳисоби ва Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни (1, 2-сон ишаклар, АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган) қайта топшириш шарт эмас. Тузатишларни жорий йилдаги ҳисоботга киритиш

мумкин, бунда 2020 йил бошидаги тақсимланмаган фойда сальдо-си тузатилади ёки ҳаражатлар жорий даврда акс эттирилади.

Замира Жўраева, «Norma» МЧЖ эксперти.

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ оммавий офертасига ИЛОВА

БҲҮҮРТМАНОМА-АКЦЕПТ

2020 йил «__» _____

(Обуналик тўлиқ ҳужжатларни ёки давлат рўйхатидан ўтказилган ҳуқуқнинг асосидан шаклланишига шарт шартини асосида амал қилувчи асосида амал қилувчи)

Тўловчи (собиқ вақтдаги, кўчма, янги ва б. ш. ш. ш. ш.)

Тўловчи (собиқ вақтдаги, кўчма, янги ва б. ш. ш. ш.)

(Обуналик тўлиқ ҳужжатларни ёки давлат рўйхатидан ўтказилган ҳуқуқнинг асосидан шаклланишига шарт шартини асосида амал қилувчи асосида амал қилувчи)

«Солиқ ва боғхона хабарлари» газетасининг 2020 йил 23 июндаги 25 (1349)-сонига эълон қилинган оммавий оферта шарҳларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилади ҳамда 2021 йил учун кўбиндаги наشرларга обун бўлади.

Индекс	Наширнинг номи	2021 йил учун обун наъри (тўлов кўчма ва МХТЭКМ) (донна)	Ҳиссалар миқдори (донна)	Умумий сумма (сўм)
186	«Солиқ ва боғхона хабарлари» ва «Норма маслахатчи» газеталари (йилга 52 сон)	2,3	1,6	
184	«Солиқ ва боғхона хабарлари» газетаси (йилга 52 сон)	1,6	1,2	
197	«Норма маслахатчи» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилга 52 сон)	1,2	2,3	
172	«Налоговые и таможенные вести» ва «Норма» газеталари (йилга 52 сон)	2,3	1,6	
165	«Налоговые и таможенные вести» газетаси (йилга 52 сон)	1,6	1,2	
173	«Норма» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилга 52 сон)	1,2		

2. Тўлаш учун умумий сумма ҚҚС билан _____ сўмни таъқис қилади.
(сўмлар ва ёруқ билан ёзурилади)

3. Ётказиб бериш учун манзил (босма ҳарфлар билан аниқ қилиб тўлдирлади): _____

_____	_____	_____	_____	_____	_____
Почта индекси					

Минтақа /Вилоят _____, шаҳар/туман, _____

Мўлжал _____

4. Боғланиш учун телефон: _____

5. Алоқа боғловчи шахс: _____

(ф.и.ш.)

ОБУНАЧИ РЕКВИЗИТЛАРИ:

СТИР _____

ИФУТ _____

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: _____

Почта манзили _____

Телефон _____

Факс _____

Х/р _____

Хизмат кўрсатувчи банк _____

Банк коди _____

(вақолатли мансабдор шахс имзоси, тўлиқ фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

М.У.



АВни СОТИШДАН ДАРОМАД БЎЙИЧА АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

? 2019 йилда корхона умумий оқватлаши билан шугулланган. 2020 йилда тадбиркорлик фаолиятдан даромад олинмаган, бироқ асосий восита ҳисобланган бино сотилган. Асосий воситани реализация қилишдан олинган даромадга (фойдага) қандай ставка бўйича айланмадан олинадиган солиқ солинади?

— 2020 йилга айланмадан олинадиган солиқ ставкалари СКнинг 467-моддасида белгиланган. Унинг 2–14-бандларида фаолият туридан келиб чиқилган ҳолда айланмадан олинадиган солиқнинг алоҳида ставкалари назарда тутилган. Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги солиқ тўловчилар учун айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 4% микдорида белгиланган, бундан 2–14-бандларда назарда тутилганлар мустасно (СК 467-м. 1-б.).

Ҳисобот (солиқ) даврида СК 467-моддасининг 2–14-бандларида кўрсатилган фаолият турлари мавжуд бўлмаганда, асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан даромадга СК 467-моддасининг 1-банди-

да белгиланган солиқ ставкаси бўйича солиқ солинади (СК 468-м. 4-қ.).

Бинобарин, мазкур ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолиятдан даромадлар мавжуд бўлмаганда, корхона АВни реализация қилишдан даромаддан (фойдадан) айланмадан олинадиган солиқни 4%лик ставка бўйича тўлаши лозим.

Корхонангиз тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишни бошлаши биланоқ, АВни реализация қилишдан олинадиган даромадга ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича умумий жами даромадларидаги улуши устунлик қиладиган фаолият тури учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича солиқ солинади.

ХАЙРИЯ ЁРДАМИ — ИХТИЁРИЙ ИШ

? Умумбелгиланган солиқларни тўлайдиган корхона Сардобадаги сув тошқинидан жабр кўрганларга бегараз пул маблағларини ўтказди. «Салом, Сардоба, биз биргамиз» хайрия акцияси бўйича «Юксалиш» жамоатчилиги ҳаракати орқали пул маблағлари ўтказилган. Мазкур ҳолатда хайрия ёрдами кўрсатиш қандай солиқ оқибатларини келтириб чиқариши мумкин?

— Сардоба сув тошқинидан жабр кўрганларга хайрия ёрдами кўрсатилган юридик ва жисмоний шахслар учун солиқлар бўйича алоҳида имтиёзлар назарда тутилмаган.

Президентнинг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон) билан белгиланишича, 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 1 октябрга қадар «Маҳалла» хайрия жамоат фондида, «Саховат ва кўмак» фондида, «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлиги» жамоат фондида, шунингдек маҳаллий

давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантирилган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга бегараз бериладиган пул маблағларига фойда солигини ҳисоблашда чегириладиган харажатлар сифатида қаралади (1-банд).

«Салом, Сардоба, биз биргамиз» хайрия акцияси бўйича «Юксалиш» жамоатчилиги ҳаракати орқали Сардобадаги сув тошқинидан жабр кўрганларга хайрия ёрдами сифатида бегараз ўтказилган пул маблағлари фойда солигини ҳисоблашда чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади (СК 317-м. 7-б.).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

ФОИЗСИЗ ВАЛЮТА ҚАРЗИДАН ДАРОМАД ҲИСОБЛАНМАЙДИ

? Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона хорижий компания билан АКШ долларларида қарз шартномасини тузди. Қарз фойзсиз берилган ва 180 кун мобайнида қисмларга бўлиб қайтарилди. Валютада фойзсиз қарз олишда даромад қандай ҳисобланади ва унга 15%лик ставка бўйича фойда солиги солинадими?

— Сизнинг ҳолатда фойзсиз асосда олинган валюта қарзидан фойдаланилганда, у бухгалтерия ва солиқ ҳисобини юритиш мақсадларида даромад ҳисобланмайди.

Солиқ солиш мақсадларида қарз берувчига фойзсиз даромад тўлаш мажбуриятсиз қарз олиш чоғида қарз олувчининг даромади қарз олиш санасида ЎЗР МБ томонидан белгилан-

ган қайта молиялаштириш ставкаси-дан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ушбу норма Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан бериладиган қарзларга (ссудаларга) таъбиқ этилмайди (СК 299-м. 4-қ., 5-қ., 2-б.). Тегишинча, хорижий компаниядан фойзсиз асосда олинган қарздан фойдаланишдан олинган даромад ҳисобланмайди.

Изоҳ: бухгалтерия ҳисобида даромад активлар кўпайиши ёки мажбуриятлар камайиши билан бир вақтда акс эттирилади. Масалан, кредитор қарздан воз кечган тақдирда товарлар ёки хизматларни сотишда активларнинг соф кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши юзага келади (Концептуал асоснинг 67-банди, АВ томонидан 14.08.1998 йилда 475-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Даромадлар 2-сон БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятдан олинган даромадларга» (АВ томонидан 26.08.1998 йилда 483-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ эътироф этилади. Ушбу Стандарт муайян мезонлар бўйича талаблар бажарилмайдиган ва тегишинча, хўжалик фаолиятдан даромад эътироф этиладиган ҳолатларни белгилайди.

Фойзсиз қарз олишда бир вақтнинг ўзида қарз суммасига активларнинг ҳам, мажбуриятларнинг ҳам кўпайиши юз беради, бу даромад эътироф этиладиган ҳолатга тўғри келмайди.

ХАРИД ҚИЛИНГАН МАТЕРИАЛ БЎЙИЧА ҚҚСни ҲИСОБГА ОЛИШ

? Темир йўл техникасини таъмирлаймиз (ҚҚС тўловчисимиз). Буюртмачига 24 495 317,4 сўмлик ҳисобварақ-фактура тақдим этилган, шу жумладан ҚҚС — 3 195 041,4 сўм. 1 268 400,45 сўмлик сарфлаш материаллари олинган (шу жумладан ҚҚС — 165 443,55 сўм), бундан таъмирлаш учун 1 000 000 сўмлик материаллар сарфланган. Материал қолдиги ҳосил бўлган. Қандай ҚҚС суммаси ҳисобга олинади: жами олинган материал бўйича ёки фақат таннархга киритилгани бўйичами?

— Материал қолдиги келгусида ҚҚС солинадиган айланма учун ишлатиладиган бўлса материал бўйича жами ҚҚС суммаси (165 443,55 сўм) ҳисобга олинади (СК 266-м.).

Корхона фақат ҚҚС солинадиган айланмаларни амалга оширадиган бўлса, материалларни олиш (уларни сотиб олишга ҳисобварақ-фактураларни олиш) чоғида жами ҚҚС суммаси ҳисобга қабул қилинади.

Илгари товарларни олиш чоғида ҳисобга олиш учун қабул қилинган, олинган товарлар бўйича ҚҚС суммасига қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилиши лозим (СК 269-м.):

1) келгусида солиқ солишдан озод этилган айланма учун фойдаланилганда;

2) улар бузилганда ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли орган томонидан, улар йўқлигида эса солиқ тўловчи томонидан белгиланган табиий

камайиш нормаларидан ортқича йўқотилган тақдирда. Ушбу банднинг қондаси фавқулодда ҳолатлар (табиий офат, ёнғин, авария, йўл-транспорт ҳодисаси ва бошқа шу каби ҳолатлар) муносабати билан товарларнинг бузилишига ёхуд йўқотилишига нисбатан таъбиқ этилмайди;

3) етказиб берувчи томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб эътироф этилганда;

4) солиқ тўловчи мақомини йўқотганда (ёки солиқ тўлашдан озод қилинганда).

Корхонангиз солиқ солинадиган (СК 239, 248-м.) ва ҚҚС солишдан озод этиладиган (СК 243–246-м.) айланмаларни амалга оширадиган бўлса, солиқ солинадиган айланмага тўғри келадиган солиқ суммаси ҳисобга қабул қилинади (СК 268-м.).

Замира ЖЎРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

ИМПОРТ МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИ

? Ишлаб чиқариш корхонаси апрель ойида импорт ҳам ашё – матоларни олди. Июнь ойида матоларнинг бир қисми ИМ-40 режимида ўтказилди ва корхонамиз амборига қирим қилинди. Қолган қисми божхона амборида қолдирилди. Етказиб бериш шартларига мувофиқ ЎЗР чегарасини кесиб ўтган ва ИМ-70 режимида жойлаштирилган кундан эътиборан улар йўлдаги материаллар сифатида корхона балансида қирим қилиниши лозим. ИМ-70 режимида жойлаштирилган материаллар учун счёти қандай тўзри танлаш мумкин? ИМ-70 режимида ИМ-40 режимида ўтказиш қандай провoдкaлар билан ва валютанинг қайси курси бўйича расмийлаштирилади?

– Чет эл валютасида харид қилинган ТМЗ қиймати уларнинг харид қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга асосан уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санасидаги МБ курси бўйича қайта ҳисоблаб, шу жумладан харид қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади (АВ томонидан 21.05.2004 йилда 1364-сон билан рўйхатдан ўтказилган 22-сон БХМСнинг 13-банди).

Материаллар импорт шартномалари бўйича харид қилинганда, 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётидан фойдаланишни тавсия этамиз. Ушбу счётининг дебитида олинган материаллар таннархи шакллантирилади. Мулкчилик ҳуқуқи ўтган пайтдан бошлаб шартнома шартларига мувофиқ улар қайта баҳолабмайди. Фақат қарз сўндирилгунга қадар етказиб берувчи олдидаги кредиторлик қарзи қайта баҳоланади (22-сон БХМСнинг 15, 16-бандлари).

1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётида «Эркин муомалага чиқариш» (ИМ-40) режимида расмийлаштириш чоғида божхона божларини тўлашга доир харажатлар ҳам акс эттирилади.

Материаллар ИМ-40 режимида қисма-қисм расмийлаштирилган бўлса, корхона материалларнинг тегишли қисми оморга келиб тушиши билан уларни харид қилиш билан боғлиқ тақсимланган умумий харажатларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган таннархи бўйича 1510-счётидан 1010-«Хом ашё ва материаллар» счётига ўтказилиши лозим (Йуриқноманинг 114-банди 9-кичик банди, АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БХМС-га 2-илова).

Замира Жўраева,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ – МУЛК ЭМАС

? Корхона Tashkent city ҳудудида ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини олди. Бунда «Tashkent city» ХИМ Дирекцияси ДУКА муайян суммани тўлади ва мазкур ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига кадастр ҳужжатларини олди. Ер участкаси учун тўланган суммани 0110-«Ер» счётига киритди. Ушбу ер участкасида буюртмачи ҳисобланган корхона томонидан ҚМЙни амалга оширадиган пудратчилар орқали бино бунёд этилади. Қурилиш харажатлари 0810-«Тугалланмаган қурилиш» счётида ҳисобга олинади. Қурилиш якунланган бинонинг бир қисмини ўз мулкида қолдириши ва бир қисмини реализация қилиши режалаштирилмоқда. Ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун тўланган сумма бухгалтерия ҳисобидида қандай ҳисобга олинади?

– Ер участкалари корхона мулкига олинган бўлса, улар асосий воситалар таркибига қирим қилинади (Йуриқноманинг 11-банди, АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БХМС-га 2-илова). Қурилиш корхонасига фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажра-

тилган, кейинчалик реализация қилиш учун бино қуриш мўлжалланган ер участкаси корхонанинг асосий воситаси ҳисобланмайди.

Кўчмас мулк объектини қуриш учун ажратилган ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун тўланган суммалар қуйидагича ҳисобга олинади:

- корхона кейинчалик реализация қилиш учун қурилишни амалга оширадиган бўлса, ушбу объектнинг таннархига (2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счёти) киритилади;
- корхона ўзи фойдаланиши учун кўчмас мулкни қурадиган бўлса, тугалланмаган қурилиш қиймати (0810-«Тугалланмаган қурилиш» счёти) киритилади.



Элатиб ўтамиз! «Tashkent city» халқаро ишбилармонлик маркази қурилиши лойиҳасининг қатнашчилари 2021 йил 1 январга қадар муддатда ер солигини тўлашдан озод қилинади (2.08.2018 йилдаги ПҚ-3895-сон қарорнинг 9, 10-б.).

Азизахон ТОШХҲАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

ЭКСПОРТ ТОВАР ҲАҚИНИ УЧИНЧИ ТАРАФ ТўЛАГАНДА...

? Экспорт шартнома шартларига кўра учинчи шахс томонидан товар учун тўлов қилинишига йўл қўйилади. Экспорт шартномаси икки тарафлама тузилган. Товар учун ҳақни учинчи тараф тўлайди. Товар олдиндан 100% ҳақ тўланганда юклар жўнатилади, бироқ бир йўла эмас, балки шартнома иловаларида (спецификацияларида) кўрсатилган унинг қисмлари бўйича бўлиб-бўлиб жўнатилади.

1. Товар учун ҳақ учинчи тараф томонидан тўланганда етказиб берувчида ўзаро ҳисоб-китоблар қандай бухгалтерия провoдкaлари билан расмийлаштирилади?
2. Экспорт қилинган товарлар учун банк ҳисобрақамига келиб тушган сумма ҚҚС ҳисоб-китобидида акс эттириладими?

1 Товар учун тўловни учинчи тараф тўлаганда ўзаро ҳисоб-китоблар етказиб берувчи томонидан қуйидаги бухгалтерия провoдкaлари билан расмийлаштирилади:

Ҳужжатлик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Учинчи тарафдан экспорт контракт бўйича товар учун олдиндан тўлов келиб тушиши	5210-«Мамакат ичидаги валюта счётлари»	4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»
Экспортга товар етказиб берилди	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар»	9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»
Юклар жўнатиш учун учинчи тараф ўтказган олдиндан тўлов ҳисобга олинди	4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар»

2 Экспорт қилинган товарлар учун банк ҳисобрақамига келиб тушган тўлов суммаси Кўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобидида акс эттирилмайди (1-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Бироқ ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарларни реализация қилиш бўйича айланмалар, агар экспорт қилинган товар учун ҳақ келиб тушган бўлса, ҚҚС ҳисоб-китобига 2-иловада кўрсатилади.

ВОСИТАЧИЛИК ШАРТНОМАСИ БўЙИЧА ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ

? Ўзбекистоннинг «А» компанияси айланмадан олинган солиқни тўловчи ҳисобланади. Ўзбекистоннинг бошқа «В» компанияси умумийлашган солиқларни тўловчи ҳисобланади ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади. «А» компанияси «В» компанияси билан воситачилик шартномасини тузди, унга кўра «А» компанияси – воситачи, «В» компанияси – комитент. «А» компанияси сотувчи сифатида комитентнинг тайёр маҳсулотини экспорт қилишига хорижий компания (харидор) билан шартнома тузди. Сотувчи ва харидор билан тузилган шартномага мувофиқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчининг (комитент) амборидан берилди. Комитент воситачида маҳсулотни реализация қилганлиги учун ҳақ тўлайди.

1. Компания-комитентнинг маҳсулоти воситачи томонидан реализация қилинганда, у экспорт қилувчи ҳисобланадими?
2. Бундай реализация қилиш ҚҚС ҳисоб-китобига қайси иловада акс эттирилади ва харидор сифатида ким кўрсатилади: воситачини ёки хорижий харидорни?

1 Комитентнинг маҳсулоти воситачи орқали экспортга реализация қилинганда, комитент-компания экспорт қилувчи ҳисобланади. Бошқа ҳужжатлар қаторида воситачи орқали амалга оширилган экспорт операцияларини тасдиқлаш учун солиқ органларига воситачилик шартномаси ҳам тақдим этилади (СК 261-м. 2-қ.).

2 Воситачи орқали экспортга маҳсулот реализация қилинганда комитент реализацияни Кўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобига (1-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 2-«Кўшилган қиймат солиғидан озод этилган ва солиқ даврида ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмалар» иловасининг 040, 041-сатрларида ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарларни реализация қилиш сифатида акс эттиради. Шунингдек Ҳисоб-китобга 7-«Йил бошидан товар-

ларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмалар» иловаси тўлдирилиши лозим, сабаби товарларни экспортга реализация қилганидан солиқ тўловчилар учун ушбу илова автоматик тарзда тўлдирилмайди (www.soliq.uz сайтидаги Ҳисоб-китобга 7-иловага изоҳ).

Реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактураларда (ҳисобварақ-фактуралар ўрнини босувчи ҳужжатларда) (Ҳисоб-китобга 5-илова) комитент харидор сифатида унинг маҳсулотини сотиб олган хорижий компанияни кўрсатади. Воситачи харидор ҳисобланмайди.

ОЛИБ КИРИЛМАГАН ТОВАРЛАРНИ
ЕТКАЗИБ БЕРИШ

✉ ПОЧТА КУТИСИ

? Ташкилот Европа ва Япония мамлакатларидан бўлган етакчи дунё ишлаб чиқарувчиларининг лаборатория ва тиббиёт ускуналарини етказиб берувчиси ҳисобланади.

Ташкилот товарни Японияда харид қилиб, сўнгра Ўзбекистон Республикаси чегарасини кесиб ўтмаган ҳолда уни Литвага сотиши мумкинми? Ушбу тартиб-таомил қайси норматив ҳужжат билан тартибга солинади? Шартномаларни тузётганда қандай жиҳатларга эътибор қаратиш керак бўлади?

– ДБК Ташки савдо операциялари ва божхона статистикаси мониторинги бошқармаси хорижий товарни Ўзбекистон Республикаси орқали ҳақиқатда олиб ўтмаган ҳолда харид қилиш ва қайта сотишга оид ташки савдо операцияларини ўтказишга тааллуқли бўлган мурожаатни кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.09.2003 йилдаги «Экспорт-импорт операциялари мониторингини янада та-

комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 416-сон қарори билан тасдиқланган Ташки савдо операцияларининг божхона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ қуйидагилар белгиланган:

товарлар импорти - товарларни уларни қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш;

товарлар экспорти - агар қонунчиликда ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, товарларни уларни қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз Ўзбеки-

стон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиш;

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 15-моддасида товарларни ва (ёки) транспорт воситаларини божхона ҳудудига олиб кириш ёхуд ушбу ҳудуддан олиб чиқиш божхона чегараси орқали ўтиш ҳисобланиши белгиланган.

Шу тариқа, товарларнинг импорт ва экспорти уларнинг Ўзбекистон Республикаси орқали олиб ўтилишини назарда тутлади.

Товарларни мамлакатимиз ҳудудига ҳақиқатда олиб кираман ҳолда воситачилик хизматлари ҳисобидан учинчи шахсларга етказиб бериш шартномалари бўйича фақатгина валюта операциялари амалга оширилиши далилини ҳисобга олганда мазкур масалани тартибга солиш божхона органларининг ваколатига кирмайди.

Шу муносабат билан батафсил маълумот олиш учун сизга хизмат кўрсатаётган банкка мурожаат қилишни тавсия этамиз.

ДБК бошқармаси қўшимча равишда шуни маълум қилдики, Давлат божхона қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташки савдо операцияларини халқаро стандартларга янада уйғунлаштириш чора-тадбирларига доир фармони лойиҳаси ишлаб чиқилган ва кўриб чиқиш учун ЎзР Вазирлар Маҳкамасига киритилган. Ҳужжат лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари билан хорижий давлатларда товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси тўғрисидаги халқаро савдо шартномаларини уларни ҳақиқатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кираман ҳолда тузиш назарда тутилади.

Лойиҳа Норматив-ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қелишишининг ягона электрон тизимида (project.gov.uz) жойлаштирилган.

ВАҚТИНЧА ОЛИБ КИРИШНИ РАСМИЙЛАШТИРИНГ

? Бизнинг бош компаниямиз стенд/шоу-рум учун намоиш этиш материалларини ўзининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига бермоқчи эди. Товар, ҳар турли эҳтимолларга кўра, олдин ишлатилган ҳамда микдор жиҳатдан бир нусхада бўлади (товарнинг ҳар бир позицияси 1 донадан).

Бош офис ва ваколатхона ўртасида божхона учун қандай ҳужжатларни расмийлаштириш зарур бўлади?

Товар қайси божхона режимдан ўтказилади? Қандай божхона тўловлари ва солиқ мажбуриятлари юзага келади?

Товарнинг бу тартибда берилишига ваколатхона учун тижорат фаолияти сифатида қаралмайди?

– Бу турдаги товарларни вақтинча олиб кириш режимида келтирилиши тавсия берамиз. Вақтинча олиб кириш божхона режими шундай режимки, бунда товар божхона ҳудудига муайян муддатга олиб килинади ва божхона тўловларидан шартли озод этилган ёки даврий божхона тўловлари тўланган ҳамда иктисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда ундан вақтинча фойдаланилади (БК 61-м.).

Рухсат бериш ва расмийлаштириш

Товар вақтинча олиб кириш божхона режимига БК 21-бобининг қоидаларига мувофиқ божхона органи томонидан берилмаган рухсатнома асосида жойлаштирилади. Рухсатномани олиш учун ваколатли шахс товар қайси божхона органи фаолият кўрсатиш зонасида турган бўлса, ўша божхона органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади (БК 133-м.):

- рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза;
- товарни етказиб бериш ёки топшириш тўғрисидаги контракт (шартнома, келишув) (товар ижара, лизинг шартномаси, кафолатли хизмат кўрсатиш ва инвестиция лойиҳаси доирасида вақтинча олиб килинган ҳолларда);
- товарнинг кузатув ҳужжатлари;

Ҳужжатлар ваколатли шахс томонидан божхона органига Интерактив давлат хизматларининг ягона портали орқали «бир дарча» принципи бўйича тақдим этилади. Божхона органи рухсатномани бериш тўғрисидаги аризани олганидан сўнгра БКнинг 62-мод-

дасида назарда тутилган талаблар ва шартларга риоя этилганлигини текширади. Хусусан:

- вақтинча олиб кирилатган товарнинг божхона органлари томонидан идентификацияланиши мумкинлиги;
- агар товар ваколатли органлар томонидан назорат қилиниши лозим бўлса, ушбу органларнинг рухсатномалари божхона органларининг ахборот тизимида мавжуд бўлиши.

Вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштиришга ариза беш иш куни давомида кўриб чиқилади. Рухсатнома амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади.

Товарларни «Вақтинча олиб кириш» божхона режимига расмийлаштири тартиби Божхона кодексининг 11-боби билан тартибга солинади.

Вақтинча олиб кириш муддати товар мазкур божхона режимига жойлаштирилган санадан эътиборан 2 йилни ташкил этади. БКнинг 64-моддасида кўрсатилган товарларга нисбатан ушбу муддат ваколатли шахсининг аризаси асосида божхона органи томонидан 2 йилдан кўпроқ муддатга узайтирилиши мумкин.

Божхона божларини тўлашдан шартли озод этиш

Мурожаатингизда кўрсатилган товарлар Божхона божлари ва солиқлар тўлашдан шартли озод этиш, озод этиш шартлари, шунингдек имтиёзларнинг амал қилиш муддатлари қўлланиладиган вақтинча олиб кириладиган товарлар рўйхатига (ВМнинг 20.06.2016 йилдаги 212-сон қарори билан тасдиқланган) киритилган.

Божхона божлари ва солиқлар тўлашдан шартли озод этиш қуйидагиларни вақтинча олиб киришдан тақдим этилади (БК 65-м.), хусусан:

- кўргазмалар, ярмаркалар, халқаро учрашувларда ва шунга ўхшаш бошқа тадбирларда намоиш қилишга мўлжалланган товарлар (четдан олиб келинган товарларни сотиш мақсадида ўтказиладиган ишлаб чиқариш фаолияти ёки бошқа тижорат фаолияти амалга ошириладиган жойлардаги кўргазмалардан ташқари), шунингдек ушбу тадбирларда фойдаланиш учун мўлжалланган ёрдамчи асбоб-ускуналар ва материаллар;
- фақат мана шундай типдаги товарларга буюртмалар олиш мақсадлари учун мўлжалланган ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун яроқсиз бўлган товарларнинг намуналари, бу уларга рақамли, харфли ва

бошқа маркировкалаш, ёриқлар, тешиқлар ўйиш ёки бошқа усул билан шикаст етказиш йўли билан таъминланади, ҳар бир тип, марка, модель, артикуль, фасон, бўйш ва ҳоказоларнинг товар намуналари 2 нусхасидан ортиқ бўлмайди;

- хорижий шахслар томонидан олиб келинадиган реклама материаллари (каталоглар, прейскурантлар ва тижорат проспекти, моделлар, плакатлар, планшетлар, рисоалар) — агар ҳар бир олувчи учун ушбу материаллар 2 нусхадан ортиқ олиб келинмаса ёхуд уларнинг умумий брутто оғирлиги 50 кг дан ортиқ бўлмаса;

- реклама фильмлари, шунингдек товарларнинг хоссалари ёки вазифасини очиб берувчи реклама учун мўлжалланган компьютерда ташиладиган ахборот — агар ушбу фильмлар ва ахборот ташувчилар хорижий шахсининг мулки бўлиб қолса, хорижий шахс томонидан таклиф этилган хорижий товарларга тегишли бўлса, фақат товарларнинг эҳтимол тутилган сотиб олувчиларига кўрсатиш учун мўлжалланган бўлса, 1 нусхада олиб келинса ва улардан фойдаланиш даромад олиш мақсадини кўзламаса.

Айрим жиҳатлар

1. Вақтинча олиб кирилган товардан уни вақтинча олиб кириш божхона режимига жойлаштирилган шахсга фойдаланиши ва (ёки) уни тасарруф этиши мумкин. Вақтинча олиб кирилган товардан фойдаланиш ва (ёки) уни тасарруф этиш ҳуқуқини вақтинча олиб кириш божхона режимининг амал қилиши тугаганига қадар бошқа шахсга ўтказишга, башарти ушбу шахс божхона органлари олдида вақтинча олиб кириш божхона режими шартларига бундан буён ҳам риоя этилиши бўйича ёзма мажбуриятларни ўз зиммасига олса, йўл қўйилади. Вақтинча олиб кирилган товарнинг бошқа шахсга ўтказилганлиги дастлаб белгиланган вақтинча олиб кириш муддатини тўхтатиб турмайди ва узайтирмайди (БК 67-м.).

2. Вақтинча олиб кириш божхона режими вақтинча олиб кириш муддати ўтган кунининг эртасидан кечиктирмай товарни олиб чиқиш ёки уни бошқа божхона режимига жойлаштириш билан тугалланиши керак. БК 69-моддасига мувофиқ товарларни «Эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига жойлаш, ушбу режимни тугаллаш мумкин. Лекин бунда тегишли божхона тўловларини тўлашга тўғри келади.

«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

✓ ЖОЙЛАРДАН ХАБАРЛАР

ПОМИДОР МАҲСУЛОТЛАРИ – ЭКСПОРТГА

Кўпчилик помидор, бодринг, қулуннай сингари маҳсулотларни фақат иссиқхона шароитида етиштириш самарали экспортнинг кафолати деб ҳисоблайди. Жомбой туманидаги кўпни кўрган, тажрибали бободехконлар эса очик ер майдонида ҳам экспортбоп маҳсулот етиштириш имконияти мавжудлигини амалда исботлашган.

Тумanning «Оқ олтин» механизациялашган машина-трактор парклари худудида жойлашган «Агро Гумуш Жомбой» МЧЖ томонидан туркиялик ҳамкорлар билан 25 гектар ер майдонида помидорнинг «Ложейн» нави етиштирилмоқда. Бу нав серхосил, экспортбоп бўлиб, асосан қурилган ҳолда ва тоmat пастаси ишлаб чиқаришда жуда кўл келади.

Ҳозирда «Агро Гумуш Жомбой» МЧЖ қошида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли тарзда сақлаш ва экспортга йўналтириш мақсадида 500 тонна сифимга эга бўлган замонавий музлатгич ишлаб турибди. Жорий йилда қорхонада 2 500 тоннадан ортиқ сифатли помидор маҳсулотни йиғиштириб олиб, саноат асосида қайта ишланган ҳолда чет давлатларга экспорт қилиш режалаштирилган.

Маълумот тарикасида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, вилоят миқёсида 1 000 тоннадан ортиқ бўлган қиймати 601 минг АҚШ доллари қийматидаги помидор маҳсулотлари экспорт қилинишига эришилди.

Бунда «Самарқанд» ТИФ божхона постида соддалаштирилган божхона расмийлаштируви орқали қисқа вақт мобайнида товарларни экспортга йўналтириш борасида экспортчи қорхоналарга божхона ходимлари томонидан 24 соат давомида яқиндан ёрдам берилмоқда.

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.



✓ СЕМИНАР



ДБКнинг Сирдарё вилояти божхона бошқармасида вилоят прокуратураси ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-617-сон Қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ИНСОН ШАЪНИ - УСТУВОР

Унда Сирдарё вилояти божхона бошқармасининг Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими, тезкор тузилмалар, чегара ва ТИФ божхона пости ходимлари, шунингдек, вилоят прокуратурасининг Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари иштирок этди.

Семинарда ушбу Қонунни амалга оширишга қўллаш лозимлиги, бу

борада ишларни, аввало, «Инсон шаъни, кадр-қиммати – хар нарсадан устун» тамойили остида ташкил этиш ва бунга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

И.ҲАМРАЕВ,
Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими инспектори.



✓ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

ВЕЛОСИПЕД: КИЛО БИЛАН ЎЛЧАНАДИМИ ЁКИ ДОНА БИЛАНМИ?

Тегишли ҳужжатлари бўлмаган товарлар «юрмай» қолди

Мамлакатимизга олиб келинаётган товар-моддий бойликларни божхона назоратидан яшириб, божхона расмийлаштирувига тақдим этилган ҳужжатларга маълумотларни нотўғри киритиш ҳоллари учраб туради.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари «Чуқурсой» ТИФ божхона пости ходимлари билан ҳамкорликда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган МЧЖлардан бири номига хориждан темир йўл кон-

тейнерларида келган юкларни божхона назоратидан ўтказишди. Натижада ҳужжатларда кўрсатилмаган умумий қиймати 1,5 млрд сўмлик 355 кг велосипед эҳтиёт қисмлари ва 1 025 дона йиғилмаган ҳолдаги тайёр икки ғилдиракли велосипед товарлари борлиги маълум бўлди.

«ЁЗ ИФОРИ» БЕМАВРИД ТАРҚАДИ

Тошкент вилояти Қибрай туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида кўшни давлат билан чегара олди худуди кўздан кечирилди ва у ерда хорижда ишлаб чиқарилган 17 дона қоғоз картон қутиларда турли хил косметика воситалари борлиги аниқланди. Ушбу товарларни чегара худудидан олиб кетиш учун фуқаро А.О. ўзининг «Каптив» русумли автомашинасида келганда ўрнатилган тартибда қўлга олинди.

Ашъвий далил сифатида олинган 30 хил номдаги жами 1 756 дона атторлик буюмларининг умумий қиймати 612 млн сўмни ташкил қилди.

Ҳозирда божхона органлари мазкур ҳолатлар юзасидан суриштирув ҳаракатларини бошлаб юборган.



Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати.

<p>СОЛИК ва ХАБАРЛАРИ Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Норма» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ</p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p> <p>Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Норма» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
---	---	--	---	---